

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

УДК:728.32

Қўлёзма ҳуқуқида

АБАТОВА ШАМСИҚАМАР ЗИЯДУЛЛАЕВНА

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ИЛК ШИФОХОНАСИ–
“БЕМОРИСТОН”НИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШ ВА УНИНГ
АРХИТЕКТУРАСИНИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ

5A5340102–“ Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура
ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация иши “Архитектура
назарияси ва тарихи” кафедрасида кўриб
чиқилди ва ҳимояга рухсат берилди.

Кафедра мудири: _____

И.М.Махматқулов

[Илмий раҳбар: _____
меъм.ф.д., проф. А.С. Уралов

Самарқанд–2018

**“Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси-“Бемористон” ни илмий
таҳлил қилиш ва унинг архитектурасини графикасини қайта тиклаш”
мавзусидаги магистрлик диссертациясининг**

АННОТАЦИЯСИ

Мазкур диссертация Самарқанд шаҳрида қурилган илк шифохона-Иброхим Тамғочхон “Бемористон”ни илмий жиҳатдан ўрганиш ва унинг архитектурасини график қайта тиклаш орқали ушбу Ўзбекистон тарихи ва архитектурашунослик фани учун ўта ноёб бўлган, бироқ бизгача сақланмаган бинони кенг жамоатчиликка оммалаштириш в илмий муомалага киритиш мааласига қаратилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, унинг мазкур тарихий шифохона-“Бемористон” меъморий мерос объекти сифатида комплекс илмий ўрганилган ва график қайта тикланиб, унинг меъморий чизмалари (тарихи, тарзи, умумий кўриниши, хоналари таркиби, архитектураси каби масалалар) илмий ёритиб берилган ва улардан фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот Ўзбекистон шаҳарларида бизгача сақланмаган тарихий шифохоналарни ёзма манбалар ва графоаналитик ўрганиш, уларни Ислом шарқи мамлакатларидаги тарихий шифохоналар ҳақида махсус адабиётларда берилган маълумотлар билан солиштириш, олинган илмий натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тарихий фотосуратлардан фойдаланиш, шифохоналар хоналарини таҳлил ва тадқиқ қилиш ва улар асосида Самарқанд шаҳрининг бизгача сақланмаган илк шифохонаси-“Бемористон”ни график меъморий тиклаш усуллари кўллаш орқали бажарилган.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон архитектура шунослик фанини диссертация мавзусида кўтарилган ва ундаги муаммолар ечимига бағишланган илмий асар ёки ишланма сифатида тўлдиради ва бойитади, бу соҳада келгусида бажариладиган янада чуқурроқ ва кенгроқ илмий ишларни бажаришга, архитектура тарихи ва назарияси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича илмий монографиялар ёзишга асос бўлиб хизмат қилади. Архитектура соҳасидаги бакалаврият ва “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги магистратура ўқув режаларига кирган мутахассислик фанларидан ўқув адабиётларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш бўйича зарур илмий материаллар тарзида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса тарихий шаҳарларимиз марказларининг меъморий-шаҳарсозлик қиёфаси ва меъморий масштаб-қўламларини шакллантириш ва қайта тиклаш бўйича бажариладиган меъморий шаҳарсозлик лойиҳаларини, хусусан Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги соғломлаштириш-тиббий маданиятини кўрсатувчи моддий меъморий мерос объектларини тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

Annotation

dissertation on research “ **Restoration graphic architecture and analysis first hospital “Bemoriston” in Samarkand**

This dissertation is shown about first hospital “Bemoriston” Was built Ibrohim Tamgochhon in Samarkand. The study consists of learning science and graphic architecture in Uzbekistan history. After this research we can help to Uzbekistan history and architecture subject.

Science news of this research are learned “Bemoriston as a object memorable history and restoration its architectural projects (history, facade, rooms) and give new ideas on how to using them.

How done this study? We use history information about hospitals and learn graphoanalytic results. So use literature from Islamic republics and compared with them, Sum up all informations and analyzed all of them, collected historical photos, after that we restoration of hospital “Bemoriston”.

The project of research is to learn Uzbekistan history of architecture, help to find ideas to build literature about theme. So, this reason these results are basic to write monography and science paper in future.

The bachelore and master on specification “Restoration architecture monuments and history of them” help found new type literature, books, text-books and science papers.

Practical mains of research is planning memorial monumens, replanning medical buildings, improve medical views from Central Asia, restoration city-planning situation in project. In conclusion, this research covered all area in historical architecture and good way to do other dissertations.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I–БОБ. ЎРТА ОСИЁ ВА ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎТМИШДАГИ ТАРИХИЙ ШИФОХОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.....	12
1.1. Ислом мамлакатларида жамоат шифохоналарининг алоҳида бино тарзида вужудга келиши.....	12
1.2. Ўрта Осиёда шифохоналарнинг шаклланиш тарихи ва уларнинг меъморий типологияси	16
1.3. Самарқанд шаҳрининг илк – “Бемористон” шифохонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар	22
I–боб хулосаси.....	25
II–БОБ. ЎРТА ОСИЁ ВА ИСЛОМ ШИФОХОНАЛАРИДА ЎРТА АСРЛАР ШИФОХОНАЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ, МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИ ВА ХОНАЛАР ТАРКИБИ.....	27
2.1. Ўрта аср шифохоналарининг меъморий–режавий ечимлари	27
2.2. Шифохоналарнинг хоналари таркиби	30
2.3. Шифохоналар архитектураси	34
2.4. Шифохоналарнинг шаҳар структурасида жойлашиши	39
2.5. II–боб хулосаси	43
III–БОБ.САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ИЛК ШИФОХОНАСИ– “БЕМОРИСТОН”НИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ.....	45
3.1. Биноларни лойиҳалашдаги тарихий меъморий қоидалар	45
3.2. Тарихий шифохоналарнинг интерьерлари.....	49
3.3. Меъморий безаклар	52
3.4. Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси – “бемористон”ни график қайта тиклаш.....	55
ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63
ИЛОВАЛАР.....	65

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Истиклолимиз шарофати, Республикамиз раҳбарияти раҳнамолиги ва ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли вилоят ва тарихий шаҳарларида мавжуд бўлган меъморий обидаларни бус–бутун ҳолда сақлаб қолиб, келгуси авлодларга етказиш учун уларни таъмирлаш, консервациялаш ҳамда улардан замонавий эҳтиёжлар учун самарали фойдаланиш, бу эҳтиёжларга уларни мослаштириш, уларнинг атроф–муҳитини ободонлаштириш, шунингдек, муҳофаа зоналарини белгилаш ва тартибда сақлаш каби қатор долзарб ва эзгу ишлар навбати билан ўз ечимини топиб, амалга оширилиб келинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда Самарқанддаги Имом ал–Бухорий, Имом Мотрудий ва Шоҳизинда зиёратгоҳларини, Бухородаги Баҳовуддин Нақшбанд, Чорбакр ва Масжиди Калон меъморий мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғилоний ёдгорликларини, Сурхондарёдаги Ҳаким ат–Термизий ва Имом ат–Термизий, Хивадаги Ичан қалъа ёдгорликлари, Шаҳрисабздаги Дор ут–тиловат, Кўк масжид, Қарши шаҳридаги Одина масжиди ва Кўк гумбаз обидалари, Тошкентдаги Ҳазрати Имом меъморий мажмулари ва улар сингари ўнлаб, ҳатто юзлаб қадамжоларни обод ва кўркем ҳолга келтириш бўйича бажарилган ишларни эслаш ўринлидир.

Дарҳақиқат, ўтмишдан қолган тарихий обидаларни сақлаб қолиш, таъмирлаш ва улардан тўғри фойдалана билиш, ўта мураккаб, нозик дидни ва маҳоратни, чуқур билим ва тажрибани, юксак салоҳият, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган серқирра соҳадир. Бу соҳада қандайдир иккинчи ёки учинчи даражали ишнинг ўзи йўқ. “Чунки бу–халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан боғлиқ масаладир”, деган эди биринчи Президентимиз Ислом Каримов¹.

Ана шу долзарб масала билан боғлиқ яна бир нозик жихат борки, у ҳам бўлса архитектурашунослик фанида ҳали етарлича ўрганилмаган ва нафақат

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият–енгилмас куч.–Тошкент, 2007

бизгача сақланган, балки ўтмишда мавжуд бўлиб халқимиз меъморий меросидан катта ўрин олган, бироқ бизгача сақланмаган меъморий ёдгорликлар ва шаҳарсозлик объектларини ўрганиш, уларни илмий муомилага киритиш ва халқ орасида оммалаштириш масаласи ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этувчи вазифадир. Масалан, тарихий халқ ҳаммомлари, дор уш–шифолар, гармобалар, обзанлар, сардобалар, яхтангилар, хонақоҳлар ҳақида кам сонли зиёли кишилар ва шу соҳанинг мутахассисларигина билишади холос. Чунки уларнинг аксарияти бизгача сақланмаган, сақланганлари эса афсуски, оммалаштирилмай келмоқда. Менинг диссертациям мавзуси ҳам ана шундай бизгача сақланмаган, бироқ ўтмишда халқимиз соғлигини сақлашда ва унга тиббий хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутган “шифохоналар”га, аниқроғи Самарқанд шаҳри илк шифохонаси – “Бемористон”ни илмий ўрганиш ва уни график тиклашга бағишланган. Ушбу объектни тадқиқ қилиш, график қайта тиклаш ва илмий муомалага киритиш, замонавий архитектурашунослик, архитектура тарихи ва назарияси фанининг долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида ўрта асрларда қурилиб, бизгача қисман сақланган ва сақланмаган, бироқ улар ҳақидаги ёзма ва археологик маълумотлар мавжуд бўлган жамоат шифохоналари ташкил қилади. Бундай бинолар нафақат Ўзбекистон тарихий шаҳарларида, балки унга қўшни бўлган Марказий Осиё республикалари ҳудудларида, шунингдек, Ўрта ва Яқин Шарқ ислом мамлакатларининг тарихий шаҳарларида ҳам кўплаб қурилган. Шунинг учун мазкур тадқиқот объектига анъанавий жамоат шифохоналари биноларини ўрганиш жараёнида хориждаги ислом мамлакатлари тарихий шифохоналаридан олинган мисоллар ҳам киритилган.

Тадқиқот предмети эса Самарқанд шаҳрида XI аср бошида қурилиб, бизгача сақланмаган жамоат шифохонаси “Бемористон”ни график қайта тиклаш мақсадида илмий тадқиқ қилиш ва комплекс ўрганишдир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари тадқиқот объекти ва предметига кирган масалаларни Ватанимиз ва хорижий мисоллар ва махсус адабиётлар асосида илмий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўрта аср шифохоналари архитектурасини ўрганиш орқали Самарқанд шаҳрида қурилиб, бизгача сақланмаган жамоат шифохонасини график қайта тиклаш асосида Самарқанд шаҳридаги XI–XII асрлар тиббий маданий меросини кенг оммалаштириш ва илмий муомалага киритишдир.

Мазкур мақсадга эришиш учун тадқиқотда қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

- Ўрта Осиё ўрта асрлар жамоат шифохоналари ҳақидаги умумий маълумотларни тўплаш ва имий ўрганиш;
- Ўрта Осиё тарихий шифохоналарининг шаҳар ҳудудида жойлашиши ва меъморий типологиясини таҳлил қилиш ва аниқлаш;
- хусусан бизгача сақланмаган ўрта аср Самарқанд шифохонаси–“Бемористон”ни комплекс ўрганиш;
- жамоат шифохоналарининг функциявий, меъморий–режавий ва композициявий жиҳатлари ва хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Самарқанд шифохонаси–“Бемористон”нинг архитектураси, интерьерлари, конструктив ва муҳандислик жиҳатларини ўрганиш;
- ушбу шифохона биносининг архитектурасини график қайта тиклаш бўйича лойиҳавий таклиф бериш ва уни асослаш, шу йўл билан мазкур шифохонани илмий оммалаштириш.

Илмий янгилиги шундаки, унда Ўзбекистон архитектурашунослик фанида илк бор Самарқандда XI аср бошида қурилиб, то мўғиллар босқинигача фаолият кўрсатган ва бу босқинда бузиб юборилган жамоат шифохонаси–“Бемористон” меъморий мерос сифатида комплекс илмий ўрганилган ва график қайта тикланган, яъни у меъморий чизмаларда жонлантирилган ва бу чизмалардан амалиётда қандай фойдаланиш ҳақида илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий марказлари, хусусан Самарқанддаги дунёга машҳур Регистон майдони ва унга туташган кўчалардаги тарихий бинолар ҳам халқимизнинг бизгача сақланмаган меъморий мероси ҳисобланади. Ўтмишда, ана шу Регистон майдонига яқин жойда қурилган “Бемористон” биноси ҳам ушбу тарихий марказ таркибига кирган ва ўша даврларда халқ саломатлигини сақлаш ва унга табиий хизмат кўрсатган тарихий объектдир. Шундай экан уни тиклаш ўша давр шаҳарсозлиги, меъморий ва тиббий маданиятига хос бўлган тарихий меросни тиклаш демакдир. Шу муносабат билан мазкур тадқиқот мавзуси ва мазмуни, унинг илмий асосланган ечими муҳим тарихий қадриятимиз ва маданиятимизни тиклаш ва уни Самарқандга келувчи хорижий ва маҳаллий туристлар учун оммавийлаштириш ўта муҳим илмий–амалий вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотда кўтарилган амалий масалалар ечимининг илмий фарази бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўрта Осиё халқларининг тарихий шифохоналари ҳақидаги маълумотлар ёзма манбалар ва илмий адабиётларда жуда кам учрайди. Бироқ, қисман бўлсада ўтмишдаги тиббий муассасалар ҳақидаги маълумотлар баъзи ўзбек ва рус тилларидаги илмий ишларда ўз аксини топган. Рус олимлари қаторига В.Л. Воронина, О.Г. Большаков, А.М. Беленицкий, Л.Ю. Маньковская, В.М. Филанович ва бошқаларни киритиш мумкин бўлса, ўзбек тадқиқотчилари сафига А.А. Қодиров, А.С. Уралов, Д.А. Нозилов, А.М. Мубашшир Аҳмадларни киритиш мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган олимлар ичида Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги тиббий муассасалари, хусусан шифохоналари ҳақида, уларнинг архитектураси, типологияси, меъморий–режавий композициялари, шаҳар структурасидаги жойлашиши, интерьерлари, конструктив хусусиятлари ҳақида энг кўп тадқиқотлар олиб борган олим–бу А.С. Ураловдир. Унинг “Ўтмишдаги даволаш ва шифобахш муассасалар” (Тошкент, 1990), “Алломалар олами” (Тошкент, 1991), Архитектура лечебно–целебных

учреждений средневековой Центральной Азии и стран мусульманского зарубежного Востока (Самарқанд, 2013) каби рисола ва монографиялари ва бошқа катор илмий мақолалари нашр эттирилган.

Шунингдек рус олимаси В.Л. Воронина ҳам Ислом шарқи ва араб мамлакатларида ўрта асрларда кенг тарқалган жамоат шифохоналари ҳақида яхши маълумотлар ёзиб қолдирган. Қўшни Тожикистоннинг тарихий шаҳарлари ва гузарларида қурилган даволаш ва шифобахш муассасалари ҳақида Р.С. Муқимов, С.М. Мамаджанова, А.К. Мирбобоев, А.М. Мухторовлар бир нечта мақолалар чоп эттирган.

Ислом шарқи мамлакатларида ўрта асрларда фаолият кўрсатган жамоат шифохоналари–“Бемористон”лар ҳақидаги баъзи маълумотлар Адам Мецнинг Москвада 1973 йилда чоп этилган “Мусальманский Ренессанс” номли монографиясида ҳам берилган. Шунингдек, Ислом дунёсининг ўрта асрлардаги шифохоналари баъзи хорижий муаллифлар ишларида ҳам ўз аксини топган. Буларга Ж. Гилябо, Сами Хаммарнех, Геттер Диетерларнинг илмий мақолалари қиради.

Мазкур илмий тадқиқотда биз юқорида номларини тилга олган олимлар ишларидан уларга тегишли ихтибослар қилиниб фойдаланилди, уларда келтирилга маълумотлар бир–бирига таққосланиб, умумлаштирилди ва тегишли хулосалар чиқарилди. Бироқ, таъкидлаш зарурки биз ўрганиб чиққан илмий ишларда Самарқандда ўтмишда қурилган “Бемористон” ҳақида ўта қисқа ва фақат ёзма (назарий) маълумотлар берилган. Ушбу “Бемористон” архитектурасини график қайта тиклаш борасида эса шу чоққача ҳеч бир тадқиқотчи фикр билдирмаган ва иш олиб бормаган. Шунинг учун ҳам азкур мавзуни мен тадқиқ этдим ва ўйлайманки, мен илмий раҳбариш проф. А.С. Уралов ёрдамида бу вазифани уддаладим.

Тадқиқотда қўлланилган методларнинг тавсифи. Ўзбекистон шаҳарларида бизгача сақланмаган тарихий шифохоналарни ёзма манбалар ва графоаналитик ўрганиш, уларни Ислом шарқи мамлакатларидаги тарихий шифохоналар ҳақида махсус адабиётларда берилган маълумотлар билан

солиштириш, олинган илмий натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тарихий фотосуратлардан фойдаланиш, шифохоналар хоналарини таҳлил ва тадқиқ қилиш ва улар асосида Самарқанд шаҳрининг бизгача сақланмаган илк шифохонаси–“Бемористон”ни график меъморий тиклаш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон архитектура шунослик фанини диссертация мавзусида кўтарилган ва ундаги муаммолар ечимига бағишланган илмий асар ёки ишланма сифатида тўлдиради ва бойитади, бу соҳада келгусида бажариладиган янада чуқурроқ ва кенгроқ илмий ишларни бажаришга, архитектура тарихи ва назарияси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича илмий монографиялар ёзишга асос бўлиб хизмат қилади. Архитектура соҳасидаги бакалавриат ва “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги магистратура ўқув режаларига кирган мутахассислик фанларидан ўқув адабиётларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш бўйича зарур илмий материаллар тарзида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса тарихий шаҳарларимиз марказларининг меъморий–шаҳарсозлик қиёфаси ва меъморий масштаб–кўламларини шакллантириш ва қайта тиклаш бўйича бажариладиган меъморий шаҳарсозлик лойиҳаларини, хусусан Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги соғломлаштириш–тиббий маданиятини кўрсатувчи моддий меъморий мерос объектларини тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация мундарижа, кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми ____ бетни ташкил қилади. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилган.

Диссертациянинг I–боби “Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги тарихий шифо-хоналари ҳақидаги умумий маълумотлар”ни ўрганишга қаратилган бўлиб, унда Ислом шарқи мамлакатларида жамоат шифохоналарнинг алоҳида бино тарзида вужудга келиши, Ўрта Осиёда шифохоналарнинг шаклланиш тарихи ва уларнинг меъморий типологияси, Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

II–боб “Ўрта Осиёда ўрта асрлар шифохоналари-нинг архитектураси, меъморий–режавий ва хоналар таркиби”ни ўрганишга қаратилган бўлиб, унда Ўрта Осиёда ўрта аср шифохоналарининг меъморий–режавий ечимлари, шифохоналарнинг хоналар таркиби, шифохоналар архитектураси, шифохоналарнинг шаҳар структурасида жойлашиши таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

III–бобда “Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси–“Бемористон”ни график қайта тиклаш” масаласи кўриб чиқилиб, унда тарихий шифохоналарнинг интерьерлари, меъморий безаклар, Самарқанд шаҳрининг илк шифохонасини график қайта тиклаш лойиҳавий таклифлари ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида диссертациянинг якуний хулосалари, олинган илмий натижалар ва таклифлар берилган.

I–БОБ. ЎРТА ОСИЁ ВА ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎТМИШДАГИ ТАРИХИЙ ШИФОХОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Ислом мамлакатларида жамоат шифохоналарининг алоҳида бино тарзида вужудга келиши

Қадим замонлардан бошлаб Шарқ мамлакатлари халқлари табобатга оид турли хил тиббий муассасалар: дорихоналар, касалхоналар, гармобалар ва даволаниш шифохоналаридан фойдаланиб келганлар.

Тарихчи И. Тўхтиевнинг ёзишича, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё халқларида ислом динигача (VII–VIII асрларга қадар) кенг тарқалган будда ибодатхоналарида роҳибларга илоҳий билимлар билан бирга табобат, грамматика, мусиқа, ер, шамоллар ва юлдузлар ҳаракатига доир билимлар ҳам ўқитилган [21]. Шуниси қизиқки, буддизм кенг тарқалган даврларда Шарқий Туркистонда катта ёшдаги эркакларнинг учдан бир қисми саводхон бўлган. Шарқда қўлланилаётган тиббий ёрдам ва хизмат турлари ҳали ўрта аср Европасига маълум эмас эди.

VIII асрдаёқ Сурия ва Мисрда йирик шифохоналар–“бемористон”лар ташкил қилиниб, уларда ётиб даволаниш имкони бўлган. Мазлум халқ учун шифохоналар қуриш, унинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, табобат хизматини тўғри йўлга қўйиш–булар хайрли хизматлар турига кириб, ҳокимият томонидан қўллаб–қувватланган. “...Беморлар ҳақида ғамхўрлик қилиш бу ислом ҳокимлари, салтанат эгалари ва мамлакатни идора этувчиларнинг бурчидир”,–деб ёзган эди XIII асрнинг эътиборли кишиларидан бири Рашид ад–Дин [10].

“Рашид ад–Дин ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ҳисобланиб, мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг тарихи ва иқтисодини ёритувчи ажойиб асарлар ёзиб қолдирган [9;10]. У мамлакатда “Мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар каби хайрли

муассасаларнинг барқ уриши муҳим аҳамиятга эга, бу ишларда беғамлик ва пала–партишлик йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат”, деб ҳисоблаган ва Эрон мамлакатининг Табриз ва Ҳамадон каби шаҳарларида бир нечта шифохоналар қурдирган.

Рашид ад–Дин Ҳиндистон, Миср, Чин, Шом ва бошқа музофотлардан таклиф қилинган 50 та табибга махсус турар жой ажратиб, улар яшайдиган кўчага “табиблар кўчаси” деб ном берган. Бу кўча шу ерда қурилган шифохона ва боғга яқин бўлган. Табиблар ҳар куни беморлар ҳолидан хабар олиб турганлар. Уларнинг ҳар бирига ўнтадан шогирд ва бештадан кул бириктирилиб, шогирдлар турли касалликлар бўйича жарроҳлик, шикастбандлик ихтисосликларига бўлинганлар.

Рашид ад–Диннинг ўзи шифохона ва табиблар фаолияти билан шуғулланиб, табобатда муттаҳамликка йўл қўймаслик чорасини кўриб турган. У шифохонага яхши мутахассисларни тўплаган, бош табибни тайинлаш ҳақида фармонлар чиқарган” [10].

Ғазанхон подшолигидаги вақфга оид ҳужжатларда (XIII аср охири XIV аср бошлари) қайд этилишича, беморларга кўрпа–ёстик, кийим–бош, дори–дармонлар, шифобахш ичимликлар, доривор қоришмалар, хушбўй, моддалар, кулол идишлар, елпиғич, мато, гиламлар ва озиқ–овқат учун маблағ ажратилган, табиблар, шикастбандлар, омборчилар ва бошқа хизматчиларга мойна белгиланган [10].

Рашид ад–Дин ўзининг “Ўзишмалар” асарида Эрон табobati ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб, Широш шаҳрида илгаридан ҳам шифохона бўлгани ва унинг кўп йиллар давомида қаровсиз ҳолда қолгани ҳақида қайғуриб ўзади. Шифохона ишини қайта тиклаб, унга ўз даврининг (XIV аср) етук табиби мавлоно Махмуд ибн Илйасни раҳбар қилиб тайинлайди. Шунингдек, Эроннинг таниқли илмий марказларидан бўлмиш Рей, Исфахон шаҳарларида X–XI асрларда йирик шифохоналар бўлиб, уларда халқ этиборини қозонган табиблар фаолият кўрсатганлар [10].

Бағдод шаҳри ўрта асрларда Шарқ табобат илмининг йирик марказларидан бири бўлган. У ерларда X асрда бешта шифохона ташкил этилган бўлиб, уларни ўз даврининг машҳур табиби Синан ибн Собат бошқарган. Шифохоналарнинг иккитаси Дажла дарёси бўйига манзарали ва хушхаво жойларга қурилган. Мазкур даволаш муассасаларида табиблардан ташқари санитарлар (муъалиджинлар), хизматчилар (хуззанлар), коровулар (баввабинлар), хўжалик ишларини бошқарувчилар (вукалалар), осойишталик ва тартиб сақловчилар (натуринлар) сингари штатлар ҳам белгиланган.

Бағдод шифохоналарини ташкил этганлар орасида шаҳар ҳокими Адуд ад-Даула ҳам бўлган. У ўзи қурдирган шифохонага 24 та етук табибларни йиғиб, уларга ҳомийлик қилган ва ўз даврининг машҳур табиби Абул-Ҳасано ибн Гилмизни касалхонага бош табиб этиб тайинлаган [10].

Табиблар, одатда, бир нечта тилларни билганлар. Бу уларга беморлар билан мулоқотда бўлишда, шогирдларга тиббиётдан дарс беришда қўл келган. Бағдод касалхоналарида кўз касалликларини даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлган. У ерда телбалар учун ҳам махсус шифохона ташкил этилиб, у шаҳардан бир оз четроқда жойлаштирилган.

Пойтахтдан узоқда жойлашган Широ, Исфаҳон, Восит каби шаҳарлар ҳам ўз шифохоналарига эга бўлган. У ерларда табиблик маҳоратига эга бўлганлиги ҳақида шаҳодатномаси бор мутахассисларгина ишлаганлар [15].

Қадимги арабларнинг шифохоналар олдида машшоқларни тез-тез олиб келиб туриши одат бўлган. Мусика ҳам дардни олдини олишга, ҳам чарчоқни йўқотишга ёрдам берган.

Жамоат шифохоналарини араб мамлакатларида қуриш бутун ўрта асрлар даврида давом этиб келган. Масалан, XIII аср ўрталарида Ҳалаб шаҳрида (Сурия) жамоат касалхонаси мавжуд бўлиб, XV асрда яна янгиси-Аргун ал-Камил мористони қурилган [4]. Касалхона бир нечта ҳовлиларни бириктирувчи катта бино кўринишида бўлиб, алоҳида ҳовлилар атрофида ётиб ва қатлаб даволанувчи беморлар учун махсус хоналар, ошхоналар ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган бўлган. Касалхона биносн зийнатли

сталактитлар, тўпбарггул тарзидаги безаклар, мрамар ва фаянсдан ишланган садаф нақшлар билан безатилган.

Қадимий Ҳиндистон шаҳри–Аджантада (милоддан олдинги II–I асрларда) топилган деворий расмда маликани даволаётган табиб, бир гурух сарой канизаклари ва хизматкорлар тасвирланган. Канизаклардан бири маликанинг оёғини уқалаш билан овора. Маликанинг ёнида ўтирган йигит–бу табиб. Қизиқ, у бошида махсус ускуна кийиб олган. Канизакларнинг бири соябон, бири ойна, яна бири дори–дармон, шарбат суви кўтариб турибди. Хизмат кўрсатаётган йигитлар эҳтимол эвнуқлардир. Маликани даволаш очик ҳавода кечмоқда [26].




1-расм. Қадимги Ҳиндистоннинг Аджанд қасри деворлврига ишланган махобатли сурадда ҳинд маликасини даволаш жараёни акс эттирилган.
Эрамиздан аввалги II-I асрлар.

Шундай қилиб, ўтмишда қурилган Ислон Шарки мамлакаларидаги жамоат шифохоналари бир ёки кўп ҳовлили иморатлар тарзида, улар таркибида эса беморлар учун ётиб ва қатнаб даволанадиган махсус хоналар, дорихоналар, ҳаммомлар, ошхоналар ва бошқа хоналар бўлган. Бинолари бир

ёки икки қаватли қилиб қурилиб, ташқи кўринишидан кўпинча мадраса биносига ўхшаш бўлган.

1.2. Ўрта Осиёда шифохоналарнинг шаклланиш тарихи ва уларнинг меъморий типологияси

1046–1068 йилларда Самарқандда ҳокимлик қилган Иброҳим Тимғочхон Қорахонийнинг вақф ҳужжатларига кўра 1066 йилнинг ўрталарида шаҳарнинг Ривдод кўчасидаги даҳада шифохона (дорул–шафақа) жорий этилади [13]. Бу ҳақда О.Г. Большаков фикр юритиб, “у ҳозирги Сўзангарон кўчаси йўналишига тўғри келади”, деб тахмин қилади. Унинг фикрича, касалхона шаҳар даҳаларидан бирида жойлашган бўлиб бир ёндан масжид, қолган томонлардан уй–жойлар билан чегараланган бўлган. Бундай шифохоналар йирик шаҳарларда тез–тез қурилиб турган. Улар нафақат шифохона вазифасини, балки халқ учун бошпана ролини ҳам ўтаган [13].



2-расм. Самарқанд шаҳрида Тимғочхон бемаристоннинг жойлашиш схемаси.

XI аср хужжатиға кўра, бу даврга келиб Ўрта Осиёда даволаш муассасаси эҳтиёж–талаблари белгилаб чиқилган ўзига хос ҳуқуқий ҳолатга, яъни тартиботга эга бўлган [2]. Шуниси қизиққи, ўша даврларда ҳам ҳозирги замонавий касалхоналардагидек “консилиум” шакли амал қилиб, беморларни даволашда оддий табиблар юқори малакали табиблар билан кенгаш ўтказиб туришган. Касалхоналарда масжид, дорихона ва йиғилиш учун заллар–жамоатхоналар бўлган [22].

Самарқанд шаҳридаги шифохона каби даволаниш муассасаси Кўҳна Урганчда ҳам бўлган. Шунингдек, Бухоронинг Регистон майдонида ҳам 1682 йили “Доруш–шифо” касалхонаси қурилган. Касалхона биноси унча катта бўлмай бир қаватли мадраса кўринишига эга бўлган[7].



3-расм. Бухоро арки дарвозаси ёнида қурилган Субхонкулхон
“Мадрасаи Доруш–шифо” снинг тарихий сураи.

Шунинг учун ҳам мазкур бино айрим адабиётларда “Мадрасаи Дор уш–шифо” деб аталган. Касалхонанинг бош пештоқи ғарбга қаратилиб, унинг ёнидан Регистон майдонини кесувчи йўл ўтган. Шифохона биноси XX асрнинг 30–йилларида Регистон майдонини кенгайтириш муносабати билан бузиб ташланган. Вақф ҳужжатларига кўра бу шифохона ёш талабаларни табобат илмига ўқитиш учун ҳам мўлжалланган. У ерда қатнаб даволанувчи беморлар учун алоҳида хоналар (амбулатория), дорихона ва табобатга доир китоблар сақланувчи кутубхона ҳам бўлган [20].

Л.Г. Салдадзе ўзининг Ибн Сино ҳақидаги тарихий романида улуғ табиб даврида (X аср) Бухорода касалхона бўлганлиги ҳақида билвосита хабар беради. У беморларни уйдан ташқари шаҳар касалхонасида ҳам даволагани, ёшлигиданоқ маҳоратли ва билими билан бошқа табибларни ҳайратда қолдиргани ҳақида ёзади .

Шуни таъкидлаш керакки, ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида табобат илми нафақат шифохоналарда, балки йирик мадрасаларда, ҳатто айрим масжидларда ҳам ўргатилар эди. Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Марв, Хуросоннинг Ҳирот каби йирик шаҳарларида шундай мадрасалар бўлган. Уларда тиб илмидан ташқари “адаб”дан ҳам дарс берилган, талабалар эгаллаган тажриба ва назарий билимлари бўйича битирув имтиҳонларини топширганлар [12].

Маълумки, бобокалонимиз улуғ мутафаккир Алишер Навоий ҳам табобат намояндаларини қўллаб–қувватлаб, уларни ўз асарларида талқин этган, табиблар, олимлар, меъморлар ва санъаткорларга ҳомийлик қилган. Унинг кўрсатмаси бўйича Хуросон музофотида халқ манфаати учун кўплаб бинолар қурилган. Улар орасида шифохоналар ҳам бўлган. Қурилган ва қурилаётган биноларни шоирнинг ўзи тез–тез кўздан кечириб турган.

Тарихчи Хондамирнинг таърифлашича [11], Алишер Навоий Ҳирот атрофидаги Инжил канали бўйига ниҳоятда зийнатли “Ихлосия” мадрасаси ва унинг яқинига ниҳоятда кўркем “Халосия” хонақоҳи, ғарб томонига эса 1480–1481 йилларда “Шифоия” шифохонаси ҳамда “Сафоия” ҳаммомини

қурдирган. “Шифоия” соғлиқ маъносини англатса, “Сафоия” тозалликни билдирган.

“Шифоия” ва “Сафоия”нинг , яъни шифохонанинг ҳаммом билан ёнма-ён қурилишида ҳаммомда даволаш тадбирларини амалга ошириш, ҳатто айрим касалликларни ҳаммом ёрдамида аниқлаш мумкинлиги сабаб бўлган. Шифохонада беморлар даволаниш билан бирга ҳаммомда чўмилиш, терлаш, уқалаш (массаж) сингари шифобахш-гигиеник муолажаларни ҳам бажарганлар. Табобат хизматини ташкил қилишдаги бундай шифобахш-гигиеник уйғунлик бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам илгаридан қўлланиб келинган. Шифохонада мавлоно табиблар беморларни даволаш билан бирга талабаларга тиб илмларидан дарс ҳам берганлар[8]. Ўрта Шарқнинг Бухоро, Самарқанд, Марв, Ҳирот каби йирик шаҳарларидаги шифохоналарда талабалар амалий тажрибалар орттириб синовдан ўтишганлар. Шунинг учун бўлса керак, таниқли адиб Садриддин Айний ўзининг илмий асарида Алишер Навоийнинг Ҳиротда қурдирган “Шифоия”сини мадраса деб атайди. Академик Бартольд эса уни “Больница” деб ёзади [25]. Фикримизча ҳозирги тушунча билан айтганда, Навоийнинг “Шифоия” биноси ўша даврдаги бошқа шифохоналардан фарқ қилиб, тиббиёт клиника дорулфунуни тарзида бўлган. Зеро Амир Алишернинг инояти билан ўша даврда мавлоно Низомуддин Абдулҳай, мавлоно Муҳаммад Муин, мавлоно Дарвишали, мавлоно Абдулҳай Туний сингари машҳур табиблар етишиб чиққанки, улар тиб илмини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар” [12].

Навоий даврига қадар ҳам Ҳиротда бир нечта жамоат шифохоналари бўлиб, улардан айримлари қаровсиз ҳолга тушиб қолади. Шулардан бири Темурийлар сулоласидаги Хуросон ҳукмдори Султон Абу Саиднинг (1459–1469) катта хотини Милкатоға томонидан шаҳар ичкарасида қурилган “Дорул-шифо” шифохонасидир. Мазкур шифохона Навоийнинг эътибори ва олий ҳиммати билан қайта тикланади ва обод ҳолга келтирилади. Ҳиротнинг етук табибларидан ҳисобланган мавлоно Дарвишали Мир Алишернинг илтифотига кўра ушбу Доруш-шифонинг мударриси этиб тайинланади ва

барча муолажа ишлари унга топширилади [11]. Шарқшунос олим М.Е. Массон Ҳирот шифохоналарининг яна бири ҳукмдорлар хонадонига, яъни Шохрух Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлага тегишли бўлган деган фикрни билдиради [17]. Кўриниб турибдики, Ҳиротда Навоий даврида ва унга қадар ҳам мазлум халқ саломатлиги йўлида хайрли ишлар амалга оширилган.

Шуни таъкидлан керакки, XV асрга келиб Ҳиротда махсус сайргоҳ–томоша кўчаси ташкил қилинган бўлиб, унда ўйин–кулги, кайфичоғлик ва кўнгил очишга мўлжалланган турли хил муассасалар бўлган. Улар жойлашган мавзе бутун Хуросон музофоти ва Ҳирот учун ягона “ҳузур–ҳаловат ҳовлиси” ҳисобланган [12;3].

Маълумки, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларида ёзда салқин, серсоя ва зилол сувларга бой жойлардан хушҳаво боғлар ташкил қилиш одат тусига кириб қолган. Бундай боғлар ўтмишда асосан йирик ер–мулк эгалари учун хизмат қилган. Улар айрим боғларда ўзлари учун хизмат кўрсатадиган махсус шифохоналар қурдирганлар. Масалан, Тошкент қалъаси ташқарисидаги Кайкаус чорбоғида (16 асрда) имтиёзли зодагонларга мўлжалланган шифохона биноси бўлган. Шифохона чорбоғнинг қулай жойида жойлашган бўлиб, унга ҳарбий юришларда ярадор бўлган ўзбек султонлари жанг майдонидан келтириб турилган. Чорбоғда даволанишдан ташқари аслзодалар учун адабий мунозаралар, базм–зиёфатлар, ҳазил–мутуйибалар ҳам ўтказиб турилган [23].

Шифохоналар ва даволаниш муассасаларини қуриш Закавказье республикаларида ҳам амалга оширилган. Жумладан, Озарбайжонда XVI–XVII асрларга оид шифохона бўлган. У ободонлашган Ардебил шаҳрининг марказий ноҳияларидан бирида жойлашган бўлиб, меҳмонхона, ҳаммом, карвон–саройлар билан ансамбль ташкил қилган [29]. Қуйидаги жадвалда Ўрта асрларда Марказий Осиё ва хорижий Ислом мамлакатларида қурилган шифохоналар ва уларнинг сони ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Ўрта асрларда Марказий Осиё ва хорижий Ислом мамлакатларида
қурилган шифохоналар ва уларнинг сони ҳақидаги маълумотлар (А.С.
Уралов бўйича)**

№	Мамлакатлар	Асрлар	Шаҳарлар ва уларда қурилган шифохоналар сони	шифохоналар сони (асрлар бўйича)	шифохоналар сони (жами мамлакат бўйича)
1	Марказий Осиё	X–XI XII–XI XV–XVI XVII–XVII	Бухорода - 1, Мервда - 1, Самарканде - 1, Гургангда - 1, Газнда - 1, Зеранжда (Сейстон пойтахти) - 1, Ургенгда - 1, Самаркандда - 1, Ҳиротда - 1, Ҳиротда -5, Балхда - 1, Тошкентда - 1. Бухорода - 1, Хивада - 1.	6 3 7 2	18
2.	Эрон	VI–VII IX–XII XI–XIV	Гиндишапурда - 1. Рейдда-1, Васитда- 1, Исфахонда -1, Хамадонда - 1. Табризда -2, Хамадонда -1, Шиروزда -1, Васитда -1.	1 4 5	10
3.	Миср	VIII–XI XIII–XV	Қоҳирада – 4 Қоҳирада - 4	4 4	8
4.	Сирия	VIII–XI XIII–XV	Дамашкда- 1, Иерусалимда- 1, Бейтул-Муқаддасда-1. Дамашкда- 2, Халебда- 2, Иерусалимда- 1, Алеппода- 1.	3 6	9
5.	Ироқ	VIII IX–X XII–XIII	Бағдодда- 2. Бағдодда- 7, Басрада- 1 Бағдодда- 60	2 8 60	70
6.	Туркия	X–XIV XV–XIX	Антиохеда- 2, Амасьеда- 2, Бурсада- 1, Дивригида- 1, Сивасда- 1, Истамбулда- 1,, Скутарда- 1, Эдирнада- 2, Аврат-Пацарда- 1, Бурсада- 1.	7 10	17
7.	Саудия Арабистони	X	Маккада-1, Мадинада- 1	2	2
8.	Шимолий Африка	IX XII	Кавраванда- 1, Мароккашда (Мароккода) - 1.	1 1	2
9.	Озарбойжан	XVI	Ардебилда- 1	1	1
10.	Испания	XIV	Гренадада- 1	1	1
Жами					138

Мазкур жадвалда ўрта асрларда (VI-VII асрлардан бошлаб то XIX асрга қадар бўлган даврларда) ислом мамлакатларида қурилган шифохоналар сони 138, шундан энг кўп шифохоналар Ироқ давлатида 70 та, Марказий Осиёда, Туркияда, Эронда 10 тадан зиёд, Сурия, Миср, Саудия Арабистони, Шимолий Африка, Озарбойжон, Испанияда 10 тагача шифоналар қурилган.

1.3. Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар

Истедодли ёзувчи Тоҳир Малик ўзининг “Фалак” қиссасида [31] Мирзо Улуғбекнинг ўз замонасида Самарқандда дорулшифоия қурдиришга қарор қилгани ва қурилиш ишларини бошлаб юборгани ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда “Байтул ҳикма”, яъни ҳикмат уйи–академия жорий этиб, “дорулсалтанат”ни илм–фан марказига айлантиргани ҳаммага маълум. Тоҳир Маликнинг фикрича, Улуғбек Самарқанд табобат илмининг ҳам маркази бўлишини истаган ва шунга яраша ҳаракат қилган. Шу муносабат билан қуйида Тоҳир Малик қиссасидан парча келтирамиз.

“Мирзо Улуғбек кимё ва табобат илми соҳиби Шамсибекка суҳбат айламоқда:

- Эртага дам ол. Шанба нонуштадан сўнг заргарларга бош бўлиб, хазинадаги олтин –кумушларни саралайсан. Сўнг дорулшифоия учун шаҳардан жой танла. Табобат илмига ихлос қўйганларни, энг зукко ҳакимларни тўплаймиз. Самарқанд табобат илмининг ҳам маркази бўлсин.

- Маъкул, аммо жой танламоқ учун бир неча қўзи сўйиш лозим.

- Сабаб?

- Гўштларни шаҳарнинг ҳамма даҳасига, очик ҳавога илиб қўямиз.

Гўшт қайси даҳада секин бузилса, ўша ерга дорулшифоия қуриш мумкин.

- Баракалла! Зеҳнинг таҳсинга лойиқ.

- Мулла Шамсибек, айтгандай қилиб дорулшафақа учун ер танланди.

Меъмор билан бамаслаҳат иш бошланглар. ...Бу ер фақат дорулшафақа эмас, боҳтардин то боҳаварга (Ғарбдан Шарққача) ном чиқозғон дорулшифоия бўлсин. Чиқимлардан қимтинма, савоб ишлар учун ганжина (хазина) дариг тутилмайди.

Шамсибек салтанат олдидан қуллуқ қилиб чиқди. У меъморни Чилстун яқинидан топди. Меъмор кичкина кўксалла ўраган, калта соқолли, паст бўйли киши эди... Меъмор ўзини уста Хидир деб танитди.

- Жой қаердан танланди?—деб сўради Шамсибек ундан.
- Гўштлар дастлаб шахристон ичкарисиди бузилди. Энг сўнггиси шу ерда айниди. Шаҳриёр (мирзо Улуғбек)нинг формонлари билан хийла этакроққа, обираҳматнинг пойига курадиган бўлди. Худди расадхона сингари уч ошъёнлик (уч қаватли) қилиб тиклаш ниятимиз бор.
- Нимага уч ошъёнлик?
- Сабабики, у ҳам расадхона сингари савлат тўкиб турсин, шахристон чиройини очсин. Одамлар ҳайратан ёқа ушласин.
- Уста Хидир, сўраганимни айбга буюрмайсиз, бинони қуришдан мақсад недур?
- Буни мендан кўра сиз мўлроқ биласиз. Дорулшафақа деб айтдилар менга.
- Ҳа, балли. Бу ерга фуқаро ҳайратдан ёқа ушлаш эмас, шифо топгани келади. Менимча, бинонинг бир ошъёнлик бўлиши кифоя.
- Нега?
- Бир ошъёнлик бўлса, ҳасталар учун ҳам, ҳақимлар учун ҳам айна муддао. Атроф катта боғ бўлмоғи лозим. Дарахтлар бинони шамсия (соябон) сифатида қуёшнинг ўтли нафасидан асрайди. Уч ошъёнликда ҳасталар иссиқдан яна бир қадар азобланадилар. Чиқиб тушиш ҳам малол келади.
- Бир ошъёнлик бино ажиж—мажиж кунлари ҳасталарни қийнаб қўйса—чи? Совуқ ҳам тепадан, ҳам остдан, ҳам деразалардан киради. Уч ошъёнлик бинонинг ўрта ошъёнида бирмунча иссиқ бўлади. Совуқ фақат деразадан кириши мумкин.
- Доно фикр, бироқ ажиж—мажиж қисқа, иссиқ кунлар узун.
- Бу хусусда кенг ва баланд бўлса дниймизю токи ҳасталар тоза ҳавога муҳтож бўлишмасин.

Бир ҳафтадан кейин меъмор дорулшафақа иморатнинг чизмаси тайёр бўлганини маълум қилгач, Шамсибек олампаҳо даргоҳига юзлана олди. Бир ошъёнлик бино қуриш фикрини шаҳриёр маъқуллади... Эртаси куни расадхона йўлидаги ерга дорулшафақа биносини қуриш ҳаракати бошланди” [31].

Ўрта Осиёда жамоат шифохоналарининг меъморий шаклланишида ислом динининг роли ва ўрни каттадир. Ўтмишда бундай шифохоналарнинг вужудга келиши исломий шариат ва тасаввуф ақоибларининг ҳукмдорларга пиру-устоз бўлишлиги, уларга ана шундай биноларни қуриш орқали халқ оммасининг ҳурматиға сазовор бўлишликка даъватчилик ҳаракатлари катта аҳамият касб этган. Бу эса ўша даврлар ижтимоий ҳаётида ва ислом ҳукмдорлари фаолиятида эл-юрт тинчлиги, унинг осойишталиги ва энг муҳими инсоний қадриятларнинг мустаҳкамлигини билдирган.

Ўрта Осиёдаги илк шифохоналар алоҳида бинолар тарзида XI аср бошларидан бошлаб шаклланган. Буларга мисол қилиб Самарқанд шифохонасини кўрсатиш мумкин. Шифохоналар вазифасига кўра, асосан, икки хил: жамоат шифохоналари ва хусусий, сарой, арк ва чорбоғлар қошидаги шифохоналарга бўлинган. Ақли заиф ва оғир ногиронлар учун эса алоҳида шифохоналар ташкил этилиб, улар шаҳарлардан ташқарисида шакллантирилган [2;28].

Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар XI асрга оид вақф ҳужжатларига учрайди [13]. Бу вақф ўша давр Самарқанд ҳукмдори бўлган Тимғочхон Иброҳим Қорахонийнинг шифохона таъсис этиши, унга жой ажратиши ва уни қурдириши ҳақидаги ҳужжатдир. Бу ҳужжат инглиз корчолонлари томонидан Самарқанддан Англияга олиб кетилган ва ҳозиргача сақланиб келмоқда. Унда ёзилишича, ушбу шифохона, яъни “бемористон” асосан мазлум халқ оммаси, раият ва ногиронлар учун мўлжалланган. Унинг ёнида “нимак бемористон”, яъни дармонгоҳ (поликлиника) ҳам бўлган. Бемористон тарҳи тўғри тўрт бурчакли, ички ҳовлили, фазовий берк композицияли, атроф муҳитдан ҳолилашган меъморий муҳитға, битта дарвоза ва дарчаға эга бўлган.

Шифохона қишда ҳам фаолият кўрсатган. У ўзининг зарурий штати ва ходимларига эга бўлган шифохонада даволаниш бепул, яъни касалларга караш ва врачлар фаолияти давлат вақфлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

XX аср бошларига келиб Ўрта Осиё шаҳарларида илгарилари кенг тарқалган табибчилик ўрнини азайимхонлик (дуохонлик) эгаллай бошлайди. Шу даврда фақат Бухоро ва Хивада биттадан шифохона бўлган. Бухоро шифохонасида асосан кашқар фельдшери ва рус врачлари хизмат қилган. Шифохона биноси эса шаҳарнинг энг ифлос қисмида Шайх Жалол дарвозаси яқинида жойлашган. Шифохона биносида амбулатория, туғруқхона ва дорихоналар ҳам бўлиб, у ерда асосан хотин–қизлар хизмат қилган [20].

I–боб хулосаси

1. Ўрта Осиёда жамоат шифохоналарининг қурилиш ва шаклланишида ислом динининг роли ва ўрни каттадир. Ўтмишда бундай шифохоналарнинг вужудга келиши исломий шариат ва тасаввуф ақоибларининг ҳукмдорларга пиру–устоз бўлишлиги, уларга ана шундай биноларни кўриш орқали халқ оммасининг ҳурматига сазовор бўлишликка даъватчилик ҳаракатлари катта аҳамият касб этган. Бу эса ўша даврлар ижтимоий ҳаётида ва ислом ҳукмдорлари фаолиятида эл–юрт тинчлиги, унинг осойишталиги ва, энг муҳими, инсоний қадриятларнинг мустаҳкамлигини билдирган.

2. Ўрта Осиёдаги илк шифохоналар алоҳида бинолар тарзида XI аср бошларидан бошлаб шаклланган. Буларга мисол қилиб Самарқанд шифохонасини кўрсатиш мумкин. Шифохоналар вазифасига кўра, асосан, икки хил: жамоат шифохоналари ва хусусий (сарой, арк ва чорбоғлар қошидаги) шифохоналарга бўлинган. Ақли заиф ва оғир ногиронлар учун эса алоҳида шифохоналар ташкил этилиб, улар шаҳарлардан ташқарисида шакллантирилган.

3. Самарқанд шаҳрининг илк шифохонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар XI асрга оид вақф ҳужжатларига учрайди. Бу вақф ўша давр

Самарқанд ҳукмдори бўлган Тимғочхон Иброҳим Қорахонийнинг шифохона таъсис этиши, унга жой ажратиши ва уни қурдириши ҳақидаги ҳужжатдир. Бу ҳужжат инглиз корчолонлари томонидан Самарқанддан Англияга олиб кетилган ва ҳозиргача сақланиб келмоқда. Унда ёзилишича, ушбу шифохона, яъни “бемористон” асосан мазлум халқ оммаси, раият ва ногиронлар учун мўлжалланган. Унинг ёнида “нимак бемористон”, яъни дармонгоҳ (замонавий сўз билан айтганда поликлиника) ҳам бўлган. Бемористон тарҳи тўғри тўрт бурчакли, ички ҳовлили, фазовий берк композицияли, атроф муҳитдан ҳолилашган меъморий муҳитга, битта дарвоза ва дарчага эга бўлган. Шифохона қишда ҳам фаолият кўрсатган. У ўзининг зарурий штати ва ходимларига эга бўлган. Шифохонада даволаниш бепул, яъни касалларга қараш ва врачлар фаолияти давлат вақфлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

II–БОБ. ЎРТА ОСИЁ ВА ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎРТА АСРЛАР ШИФОХОНАЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ, МЕЪМОРИЙ–РЕЖАВИЙ ВА ХОНАЛАР ТАРКИБИ

2.1. Ўрта аср шифохоналарининг меъморий–режавий ечимлари


Ислом мамлакатларида шаклланган тарихий шифохоналар биноси меъморий–режавий ечимига кўра ҳовлили кўринишга эга бўлган. Бунинг сабаби нимада? деган савол туғилиши табиий. Жамоат шифохоналаридаги ҳовлилар касалларнинг характериға қараб алоҳида бўлимлар ташкил қилишға қулайлик туғдирган. Бу эса алоҳида турдаги беморларни бир–биридан ажратиб даволаш имконини берган. Ўтмишда шифохоналар бошқа биноларға яқин ёки ёнма –ён жойлашганлиги сабабли шаҳар ичида уларға ҳозирғидагидек алоҳида кенг ва яшил майдонлар ажратиш учун яхши имкон бўлмаган. Бу эса беморларнинг шифохона ҳовлисида очик ҳавода дам олишлари, шунингдек, ибодат қилишлари учун қулай шароит яратишни, яъни ички ҳовлилар ташкил қилишни тақозо этган.

Маълумки, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон иссиқ ва қуруқ иқлим шароитига эга. Ёзи узок, офтобли жазирама иссиқ кунлари кўп. Бундай шароитда беморларнинг хоналарини чўзинчоқ шаклда, яъни ташқарига қараган деворлари томонини иложи бориға қисқарок шаклда қуриш талаб этилади. Ана шуни эътиборға олган ҳолда беморларнинг хоналари томонларини тарҳда 2:1 нисбатда бўлишлиги мақсадға мувофиқ деб топилган [24].

Бирок, хонаға зарур табиий ёруғлик ва қуёш нурининг тушишини ҳам эътиборға олиб Бухоро шаҳридаги “Дор уш–шифо” хужраларининг томонлари нисбатини 3:2 тарзда олинган (4–расм).

Хоналар баландлиги уларнинг функциясига боғлиқ тарзда белгиланган. Масалан, жамоатхонанинг баландлиги анча баланд, беморлар хужраларининг эса усти равоқ шаклда ёпилиши билан билан фазовий кенглик ва ҳаво ҳажмийлиги таъминланган. Шифохоналарнинг ташқи деворлари деярли

деразаларсиз, яхлит ишланган. Ёруғлик ички ҳовлидан беморлар хужраларига уларнинг кириш эшиклари устига ўрнатилган “топчан”лар орқали тушган.



4-расм. Бухоро шаҳридаги “Мадрасаи Дор уш-шифо” нинг тархи. XII аср. 1-Шифохонага кириш дарвозаси; 2-ички ҳовли; 3-сардоба; 4-жамоат хона ; 5-касалларнинг палаталари; 6-дарсхона; 7-кутубхона; 8-касалларни қабул қилиш хонаси; 9-ошхона; 10-дорихона; 11-врач хонаси; 12-табиблар ва мударислар хонаси.

Бемористонлар фаолиятини доимий тарзда таъминлаш мақсадида уларни қурдирган ва таъсис этган ҳукмдорлар бемористонларга махсус кўчмас мулклар - “вақф” сифатида ажратишган ва бу мулклардан тушган даромадларни адолатли бошқарувчи ва тақсимловчи махсус шахс – “мутаввал”ини тайинлашган [6]. Вақф даромадларидан бир қисми бемористон биноларини тоза сақлаб туриш, биноларни таъмирлаш учун ажратилган бўлса, қолган қисми бемористон штатига кирган ишчиларга ойлик маоши тарзида берилган.

Айрим ислом мамлакатларидаги шифохоналар таркибида ётиб даволанувчилардан ташқари қатнаб даволанувчилар учун ҳам даволаниш бўлимлари–“дормонгоҳ”лар (ҳозирги поликлиникаларга ўхшаш) бўлган. Улардан ташқари яна ошхона, ҳаммом ва бошқа ёрдамчи хўжалик хоналари мавжуд бўлган. Шифохоналар таркибида ҳаммомнинг бўлиши унда беморларнинг чўмилиб ювинишидан ташқари айрим касалликларни ҳаммом ёрдамида даволаш мумкин бўлганлигидандир. Масалан, рематизм, артритлар, артрозларни ҳаммом муолажаси орқали самарали даволашган [15]. Шунинг учун ҳам айрим Шарқ мамлакатлари: Туркия, Эрон, Ироқ, Шом, Ўрта Осиё шифохоналарида ана шундай ҳаммомлар учраб туради [14].

Мазкур диссертацияда биз кўраётган Самарқанддаги илк шифохона Иброҳим Тимғочхон бемористонида кичик шифохона–“нимак бемористон” бўлими мавжуд бўлиб, у қатнаб даволанувчилар учун хизмат қилган [15].

Бағдод шаҳри шифохоналарининг IX–X асрлардаёқ кўп функцияли, яъни кўпгина касалликларни даволовчи алоҳида бўлимлари бўлган. Масалан уларда умумтерапевтив ва жарроҳлик бўлимлари бўлган [14]. Ҳар бир бўлим ўз бош врачига ва тиббий ходимларига эга бўлган. Шифохонанинг бош врачлари умумий назорат ва раҳбарлик қилган, штатлар сони катта бўлиб, унда тажрибани этук врачлар ишланган. Масалан, ар–Розий раҳбарлик қилган шифохонада 20 нафардан зиёд врачлар фаолият кўрсатган [10].

X–XI асрларда Хоразм ва Мовароуннаҳрда умумий тиббий таълимга эга бўлган врачлардан ташқари алоҳида касаллик турлари бўйича ҳам юқори малакали врачлар ишлай бошлаган. Абу Райхон Беруний бу ҳақда шундай ёзади: “Бу ерда, бизнинг табоблар сафида ажойиб ажойиб ўзгаришлар бўлмоқда, хусусан: улар ўз билим ва маҳоратларини касалликларнинг алоҳида турларига йўналтириб, ўзларини кўз табиби ёки жарроҳ, ёки синган–чиққан суяклар табиби ёки қон оловчи табиблар деб танитадилар” [5]. Ана шундай алоҳида касаллика мутахассис табиблар, шунингдек Гурганж, Мевр ва Ҳирот шаҳарлари шифохоналарида ҳам бўлган.

2.2. Шифохоналарнинг хоналар таркиби

Ислом мамлакатлари ўрта аср шифохоналарининг хоналари таркиби ва уларнинг функциявий тузилишлари ушбу биноларнинг қайси мақсадда ва қандай беморларни даволашга мўлжалланганлигига боғлиқ бўлган. Ана шу ҳолатларга қараб ўрта асрлар фуқаро шифохоналари қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

1. Умумтерапия шифохоналари
2. Кўп функцияли шифохоналар
3. Асаб касалликлари шифохонаси
4. Пес ва моховлар учун шифохона

Пес ва маховлар шифохонаси шаҳарлардан ташқарида, улардан бир неча километрлар узоқлаштирилган жойларда қурилган. Асаб касалликлари шифохонаси эса шаҳарлар четида ёки уларга яқин бўлган жойларда, жамиятнинг соғлом қисмидан ажратилган ҳолда қурилган. Умумтерапия ва кўп функцияли шифохоналар одатда шаҳарлар ичида, иқлими яхши ва қулай жойларда, алоҳида бинолар тарзида ёки бошқа жамоат бинолари билан ёнма–ён тарзда қурилган.

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, Ўрта Осиёда даволаш муассасалари XI асрга келиб, функционал жиҳатдан тўлиқ шаклланиб бўлган [20]. Уларнинг бу даврдаги тўлиқ меъморий шаклланиши ва тиббий таъминланишига кўпгина Шарқ мамлакатларидаги (Ўрта Осиё, Эрон, Ироқ, Хитой) ижтимоий–сиёсий вазиятларнинг яхшиланиши ва тиббиёт фани ва амалиётининг ривожланиши ижобий таъсир кўрсатган. Ўша даврларда ҳатто бу мамлакатлар тиббиётида ҳозир амалиётда кенг қўлланилаётган врачлар маслаҳатлашуви–“консилиум” шакли мавжуд бўлганлиги эътиборга лойиқдир [15]. Бунинг учун ўша давр шифохоналарида мутахассис врачларнинг бир жойга тўпланиб оғир беморларнинг касалини аниқлаш ва уларга тўғри ташхис қўйиш учун маслаҳатлашиб оладиган катта айвон шаклидаги алоҳида хона–“жамоатхона” мавжуд бўлган. Ушбу хона, одатда, универсал вазифаларга мўлжалланиб, ундан врачларнинг йиғилиши,

мажлислар ўтказилиши, тўпланиб номоз ўқишлари учун ҳам фойдаланилган. Шунинг учун ҳам жамоатхона ўзининг эгаллаган ўрни ва меъморий шакли ҳовлидан кўзга ташланиб турган. Усти гумбаз билан ёпилиб, тарзи пешток шаклида бўлган. Жамоатхона, одатда, бино тўрида жойлашган. Каттарок шифохоналарда айвонлар бир нечта бўлиб, уларнинг асосийси “жамоатхона”, қолганлари беморлар учун ёзги хоналар тарзида фойдаланилган (4–расм). Айвонлар бир нечта бўлганда асосий айвон бино тўрида, қолганлари бинонинг ён томонларида бир–бирига қарама–қарши тарзда бир ўқда жойлашган. Ана шундай айвонларнинг сонига қараб шифохоналар бир, икки ва тўрт айвонли шифохоналарга бўлинган.

Ўрта аср шифохоналарининг таркиби билан тўлиқроқ танишиш мақсадида Табриз шаҳри шифохонаси учун ёзилган Ғазанхон (1295–1304 йй.) вақфномасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унда шифохонани гиламлар, тўшанчилар, чироғлар учун мой, кулол идишлар, шифобахш ичимликлар, ёғ, егуликлар, беморларнинг ётиб–туриши, ёстиклари, кийимлари билан таъминлаш ҳамда врачларни, кўз табибларини, суяги чиққанлар ва синганлар табибларини, омборчилар, санитарлар ва бошқа хизматчилар учун маблағ ажратилиши кўзда тутилган [10;29]. Ислом оламининг алломаларидан бири Рашид ад–Дин ўзининг “Ёзишмалар” номи асарида (XII аср) ушбу шифохонанинг ёрдамчи штатлари рўйхатини келтиради. Унга кўра Табриз шифохонасида ошпазлар, шифобахш ва хушбўй ичимликлар, дорилар тайёрловчилар фармоцевлар, тинчлантирувчилар, медсестралар бўлган [10]. Туркиянинг Бурс шаҳридаги Йилдирим Боязид шифохонасининг вақфномасида эса (XVI аср) касалхона штатига ўрта врач, иккита дорихоначи, битта ошпаз, нонвой ва 12 та шифобахш шарбатлар тайёрловчи ва сотувчилар кирган [29]. Бу маълумотлар ўрта аср шифохоналарининг хоналари таркиби ҳақидаги тушунчаларимизни аниқлаштиришга ёрдам беради. Агар шифобахш дори ичимликлари, турли шарбатлар тайёрловчилар штатларининг мавжудлиги касалхонада дорихона ва фармоцевлар хоналарининг борлиги ҳақида тушунча берса, ошпазлар,

нонвойлар, ширинликлар тайёрловчилар, санитарлар, омборчилар штатларининг борлиги эса шифохонада, ўз навбатида улар учун зарур алоҳида хоналарнинг мавжудлиги кўрсатади.








Шифохонадаги хоналарнинг кўпчилиги, албатта, беморларнинг палаталари ташкил қилган. Улар ички ҳовли атрофида, одатда, унинг икки ёки уч томонидан ташқи деворларга туташ ҳолда жойлашган.

Ислом мамлакатлари ўрта асрлар жамоат шифохоналари таркибини ўрганиш ва уларнинг функционал тузилишини қуйидаги 2-жадвалда акс эттириш имконини берди ва бу бизгача сақланмаган Самарқанд шифохонасининг хоналари таркибини тўғри аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

2-жавал

Ислом мамлакатлари ўрта асрлар жамоат шифохоналарининг хоналари таркибини ўрганиш

№	Шифохоналарнинг номи, қурилган жойи (мамлакат), аср	Хоналар таркиби									Даволашиш бўлимларининг сони	Даволашиш бўлимларининг сони	Ховлининг мавжудлиги
		Даволашиш хоналари	Врачлар хонаси	Кичик тиббий холимлар хонаси	Жамоатхона	Дорихона	Кутубхона	Ошхона	Дармонгох (поликлиника)	Ҳаммом	Хизматчилар хонаси		
1	Хорун ар-Рашид шифохонаси: Бағдод (Ироқ). VIII–IX аа.											1	
2	Аҳмад ибн Тулун шифохонаси: Қоҳира (Миср). IX а.											1	
3	Ал-Димна шифохонаси. Караван (тунис). IX а.											2	

4	Ал–Адуди шифоҳонаси. Бағдод (Ирок). X а.			3	
5	Ибрагим Тимғочхон шифоҳонаси. Самарқанд (Мовароун- нахр). XI а.			1	
6	Маракко шифоҳонаси. Маракко (марокаш). XII а.			1	
7	Ал–Нурий шифоҳонаси. Дамашқ (Шом). XII а.			1	
8	Ал–Мансур шифоҳонаси. Қоҳира (Миср). XII а.			2	
9	Йилдирим Боязид шифоҳонаси. Бурс (Туркия). XIV а.			1	
10	Шифоия шифоҳонаси. Ҳирот (Хуросон). XV а.			2	
11	Субхон Қуллихон шифоҳонаси. Бухоро (Мовароун- нахр) XVI а.			1	
12	Султон Калаун шифоҳонаси.			3	

	Қоҳира (Миср). XVI а.													
13	Халеп шифоҳонаси. Халеп (Шом). XV а.												4	
14	Хасеки Хуррем шифоҳонаси. Станбул (Туркия). XVI а.												1	


Шундай қилиб, ўрта аср жамоат шафоҳоналарининг таркибий функционал тузилиши замонавий клиник шифоҳоналар таркибини эслатган. Уларнинг хоналари таркибига табибларнинг умумий йиғилиш зали – жамоатхонадан ва беморлар ётадиган хужралардан ташқари, кичик тиббий хизматчилар хонаси, дорихона, ошхона, касалларни қабул қилиш хонаси, ёрдамчи ва хўжалик хоналари: кутубхона, омборхона, хожатхона ва бошқалар кирган. Айрим шифоҳоналар қошида ҳаммом ҳам бўлган.

2.3. Шифоҳоналар архитектураси


Илк бемористонлар бир қаватли, ўртасида ички ҳовлили, унинг атрофида беморлар учун хужралар, табиблар учун хоналардан иборат бўлган. XIV-XV асрлардан бошлаб бемористонларни 2 қаватли, бир нечта ҳовлили, ҳашаматли, гўзал пештоқли, махсус қабулхона, табиблар хонаси - жамоатхона, ҳовли атрофлари касаллар учун хужралар билан, баъзи бемористонларда эса хужраларнинг ҳовли томони равоқли айвонлар билан ўралган ҳолда, ҳовли ўртасида ҳовуз қилинган. Кириш пештоқининг рўпарасида ҳовли тўрида пешайвон бўлиб, у ёзда жамоатхона ва касалхона

масжиди ролини ҳам бажарган. Кейинчалик катта бемористонлар ёнига масжид қуриш одати ҳам бўлган.

Шифохоналардаги ички ҳовли беморларнинг дам олиши, ҳовли марказидаги ҳовуз ёнидаги мажнунтоллар соясида очик ҳавода ўтиришиб хордиқ чиқаришган, суҳбат қилишган. Кўп функцияли ва бир нечта бўлимларга эга бўлган йирик шифохоналар эса касалликлар тури бўйича бир неча қисм–блокларга бўлиниб, уларнинг ҳам ўз ҳовлилари бўлган (7–расмлар).




5-расм. Ислом мамлакатларида ўтмишда қурилган шифохоналарнинг архитектураси.



6-расм. Испаниянинг Гренада шаҳрида қурилишга мусулмон шифохонасининг архитектураси XIV аср

“Юқорида зикр қилинган ҳолатлар Ислом оламида бино этилган ҳамма шифохоналарда–хоҳ Мағриб, хоҳ Машрикда бўлсин, Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Марокаш, Андалусда бўлсин–бир хил эди. Бу ўринда ана шу асрлардаги Ислом пойтахтларида қурилган уч шифохона ҳақида сўзлаш билан чекланамиз”, деб ёзади “Ислом ҳазораси” китобининг муаллифлари Аҳмад Муҳаммад ва Мубашшир Аҳмад [4].



Биринчиси–Бағдоддаги Азудий шифохонаси. Уни Азуддавла ибн Бувайх 371 ҳижрий йилда қурдирган. Уни қуришдан олдин машҳур табиб Ар–Розий

тунда Бағдоднинг тўрт томонига тўрт бўлак гўшт осиб қўядилар. Эрталаб гўшт қайси маконда яхши хидли сақланган бўлса, ўша жойда жуда катта маблағ эвазига шифохона қурилади. У ерда ишлаш учун 24 табиб тайин этилиб, уларга керакли бўлган илмий кутубхона, дорихона, ошхона ва омбор берилади. 449 ҳижрий йилда халифа ал–Қоим Биамриллах ушбу шифохонани янгилайди ва топилиши қийин бўлган ичкилик ва дори–дармонларни жамлайди. Касаллар учун жиҳозлар, кўрпа–тўшаклар, хушбўй атирлар вақф сувлари тақдим этилади. Хизматчи, табиб ва фаррошлар ёлланади. Ушбу шифохонанинг эшикбони ва кўричқилари ҳам бор бўлган. Яна унда ҳаммом бўлиб, унинг атрофини турли мева ва сабзавотларни ўз ичига олган боғ ўраб олган. Сувдаги кемалар заиф ва камбағалларни ташиган. Табиблар эртаю кеч беморларга навбат билан кирганлар [4].

Иккинчиси–Дамашқдаги Ан–Нурий ал–Қабир шифохонаси. Уни одил подшоҳ, султон Нуриддин аш–Шаҳид 549 ҳижрий (1154 милодий) йилда Ғарб подшоҳларининг биридан фидя сифатида олган молга қурдирган. Унинг биноси бутун мамлакат бўйлаб қурилган шифохоналар ичида энг гўзали бўлган. Султон уни фақат камбағал ва мискинларга атадим, деб шарт қўйган. Бойларга эса фақат даволамасликнинг иложи бўлмай қолгандагина рухсат берилган. Шифохонадаги суюқ ва қуюқ дориларнинг ҳаммаси бепул бўлган. 580 ҳижрий йилда унга кирган сиёҳ Ибн Жубайр шифохона табибларининг касалларга бўлган эътиборини, ҳолларидан яхши хабардорлигини ва уларга керакли дори ва озуқаларни тайёрлашларини ижобий тавсифлаган. Ушбу ерда руҳий хасталар учун алоҳида махсус бўлим бўлиб, унда жинниларга эътибор билан муолажа қилинар ва яхши овқатлантирилар экан [4].

Тарихчилардан бирининг зикр қилишича, 831 ҳижрий йилда фазилат, завқ ва латофат аҳлидан бўлган бир ажамий киши Дамашқни зиёрат қилибди. У Ан–Нурий шифохонасига кириб, табибларининг кўплиги, касалларга яхши эътиборни ва ундаги озиқ–овқат, кўрпа–тўшак ҳамда ҳисоби йўқ латифликларни кўрган пайтда табибларнинг билимини синамоқчи бўлибди. У ўзини касалга солибди ва шифохонада уч кун қолибди. Табиббоши унинг

касаллигини аниқлаш учун бир неча маротаба келибди. Унинг томирини ушлаб кўргач, касал эмаслигини, фақат табибларнинг билимини синаш учун келганини билибди ва унга тотли таомлар, семиз товуклар, ширинликлар, ичимликлар ва турли мевалар беришни буюрибди. Сўнг уч кундан кейин унга қуйидаги сўзлар ёзилган қоғозни тутқазибди: “Бизда меҳмондорчилик уч кундир”. Ажамий бундан ўзининг мақсадини сезиб қолишганини ва бу муддат ичида шифохонада фақат меҳмон қилишганини тушунибди.

Бу шифохона ўзининг улуғ ишларини 1317 ҳижрий йилгача давом эттирган. Сўнг Домашиқда Ал–Ғурабо шифохонаси бино қилинган. Ушбу шифохонага ҳозирга даврда Сурия жомесининг тиб қуллиёти эгалик қилади. Бу ердаги Ан–Нурий шифохонаси эса, кейинчалик мадрасага айлантирилган.

Учинчиси–Ал–Мансурий ал–Кабир шифохонаси. У Қоловун бемористони номи билан машҳур бўлиб, олдин Қоҳира амирларидан бирининг ҳовлиси бўлган. Султон Ал–Мансур Сайфуддин Қоловун уни 683 ҳижрий (1284 мелодий) йилда шифохонага айлантиради. Шифохона учун йилига минг дирҳам фойда берадиган вақф ажратиб қўйади. Шифохонанинг ёнига масжид, мадраса ва етимлар учун кутубхона қурдиради (-расм).

Айтишларича, буларни бино қилишининг сабаби, Султон Ал–Мансур Қоловун Аз–Зоҳир Бибрис замонида 1275 йили Рим ғазотига амир сифатида келаётган пайтда Дамашқда касал бўлиб қолган. Ан–Нурий ал–Кабир шифохонасидан олинган дори–дармонлар билан табиблар уни муолажа қилишади ва у соғайиб кетади. Отига миниб, у шифохонани шахсан ўзи томоша қилади. Ундан ажаб ва ҳайратга тушиб, агар Аллоҳ салтанатни насиб этса, шунга ўхшаш шифохона қурдиришни назр қилади. Вақтики, у султон бўлганда, бу ҳовлини танлаб сотиб олади ва уни шифохонага айлантиради. Бу шифохона танзим ва тартибда тилларда дoston бўлади. Унга кириш ва наф олиш эркаг–у аёл, ҳуру кул, бойу камбағал–барчага баробар бепул бўлган. Ундан тузалиб чиққан касалларга кийим берилган. Вафот этганларни шифохона ҳисобидан тажҳиз ва такфин қилиб дафн этилган. Унга тиббиётнинг турли соҳаларига қараб табиблар тайинланган. Шунингдек,

касаллар хизмати учун, уларнинг жойларини тозалаш, кийимларини ювиш ва ҳаммомда ёрдамлашиш учун фаррош ва ходимлар ишга олинган. Бу иш шу даражада ташкил қилинганки, ҳар бир касалнинг хизматига икки киши ҳозир у нозир бўлган. Ҳар бир касал учун битта каравот ва тўлиқ жиҳоз ажратилган. Касалликнинг ҳар бир турига алоҳида жой белгиланган. Яна табиббоши талабаларга тиб илмидан таълим бериши учун алоҳида ўринлар ҳозирланган. Бундаги энг ажиб ҳол шифохонадан истифода этиш фақатгина у ерда ётганларгагина хос бўлмай, балки уйда туриб муолажа истаган кишиларга ҳам керакли ичимлик, таом ва дори–дармони бериш йўлга қўйилган.

Бу шифохона ўзининг инсоний вазифасини шу даражада комил адо этганки, унда ишлаган кўз табибларидан бирининг айтишича [4], шифохонага касал бўлиб кириб, соғайиб чиқиб кетганларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ундан соғайиб чиққан ҳар бир хастага кийим–кечак ва шифохонадан чиқа солиб оғир ишларни қилишга мажбур бўлмасин, дея нафақаси учун бир миқдор маблағ берилган.


2.4. Шифохоналарнинг шаҳар структурасида жойлашиши

Ўрта асрлардаги ислом дунёси мамлакатларида фуқароларга мўлжалланган даволаш ва шифобахш муассасаларни: шифохоналар, дорихоналар, ҳаммомлар, гармобаларни қуриш шаҳарлардаги аҳолига хизмат кўрсатиш, жамоат бинолари ва исломий шариат талабларига кўра шаҳарлар ижтимоий тизимининг муҳим таркибий қисми тарзида қаралиб, амалиётга жорий этиб келинган.

Шифохоналар ўзларининг бажарган функциоал вазифаларига кўра уч турга : а) фуқаролар касалхоналари (бемористон, дор-уш-шифо)лар кенг халқ оммасига хизмат қилган бўлса, б) амалдорлар шифохоналари (шифохона чорбоғлар) олий табақа ва ҳарбийлар учун хизмат қилган, ва ниҳоят в)

махсус шифохоналар кар ва маховлар, телбалар, жинниларга мўлжалланган (-расм).



Биринчи турдаги шифохоналар, асосан шаҳарлар ичида, шаҳристонлар ҳудудида, шаҳардаги бошқа жамоат бинолари, масжид ва карвон-саройлар билан ёнма-ён қўшни жойлаштирилган. Масалан, Бухорода XVII асрда Субхонқулихон томонидан қурилган “Мадрасаи-дор-уш шифо” шаҳар арки дарвозаси ёнида Регистон майдонида жойлашган (8-расм).



6-расм. Бухорода XVII асрда Субхонқулихон томонидан қурилган “Мадрасаи-дор-уш шифо”нинг жойлашиши схемаси.

Иккинчи турдаги шифохоналар эса асосан шаҳар четлари ва ташқарисидаги махсус шакллантирилган чорбоғлар ва парклар ҳудудида, улар ичидаги яшил кўкаламзорлар манзарали муҳитларда, дам олиш ва ҳавзаларига яқин қилиб жойлаштирилган. Бундай шифохона – чорбоғларда амалдорларнинг соғайиши ва дам олиб хордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган.


Шифохоналарни қуришда улар учун жой танлашда алоҳида қоида ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Масалан, фуқаролар шифохоналари учун жой танлашда шаҳар ҳудуди турли бурчакларига бир хил баландликдаги ҳодаларга бир кунда сўйилган қўй гўштларини осиб қўйишган. Гўшт қайси жойда бузилмай узоқ турса ўша жой иқлими ва муҳити шифохона қуриш учун маъқул деб топилган ва ҳоказо.



7-расм. Туркиянинг Бурса шаҳрида XV асрда Йилдин Боязид томонидан қурилган шифохонанинг тархи ва қирқими.


Учинчи турдаги махсус шифохоналарни, одатда, шаҳарлардан узоқда, йўллар чети ва хилватроқ жойларда алоҳида қишлоқ ёки масканлар тазида жойлаштирилган.





8-расм. Туркиянинг Эдир шаҳрида Боязид томонидан қурилган масжид ва шифохона комплексининг умумий кўриниши ва тархи: 1-кириш; 2-масжид; 3-4-шифохона; 6-хўжалик иморатлари; 7-мақбара.

9-Расмда сув (канал) бўйича хушманзара жойда қурилган шифохона тарҳи келтирилган. Хиротда фаолият кўрсатган Алишер Навоий ҳам ўз вақтида ушбу шаҳарни кесиб ўтувчи серсув Инжил канали олдидан ўзи қурдирган “Шифоия” шифохонаси учун жой танлайди.



9-расм. Туркиянинг Станбул шаҳрида Хоссеки Хуррам томонидан қурилган шифохонанинг жамоот бинолари комплексида жойлашиши. XVI аср. 1-шифохона; 2-мадраса; 3-мақбара.

Унинг шифохонаси ёнида чорбоғ жой танлайди. Унинг шифохонаси ёнида чорбоғ ва манзараларга бой чорчаманлар ҳам шакллантириб, шифохона худуди гўзар масканга айлантирилди.

II–боб хулосаси

1. Ислом мамлакатлари тарихий шифохоналарининг хоналарини бажарадиган функциясига қараб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- беморлар учун хоналар (беморлар ётадиган хужралар, тиббий муолажалар хоналари);
- табиблар учун хоналар (жамоат хона ва бошқа ёрдамчи хоналар);
- махсус хоналар (ошхона, дори-дармонлар хонаси, омборхона).

2. Ўрта Осиё тарихий шифохоналарининг меъморий–режавий ва архитектуравий ечимларига хос хусусиятлари асосан қуйидагилардан иборат:

- тарҳи ихчам тўғри тўртбурчакли шаклда, ички ховлили, ташқий кўринишидан фазовий берк меъморий–режавий (йиғноқ тузилишли, бўйлама ўқли) композицияда қурилганлиги;
- шифохоналарни анъанавий маҳаллий қурилиш материалларидан қуриш (пишиқ ғишт, ёғоч конструкциялар, тоқ ва равоқлардан фойдаланиш).

3. Тарихий шифохоналарнинг интерьерлари: баён этилган ёзма манбалар, бизгача сақланган тарихий шифохоналар билан танишиш шуни кўрсатадики, нақшинкорлик шифохона биноларини ҳам четлаб ўтмаган. Нақшлар ва безаклар тарихий шифохоналарнинг поллари, гумбазлари, жамоатхона, изора ва деворларидан жой олган. Бу безаклар асосан ҳандасавий нақшлар бўлиб, гириҳ ва ислимий кўринишларда бўлган.

4. Шифохоналар шаҳар структурасида жойлашишига кўра шаҳристоннинг энг хушҳаво, чанг ва қаттиқ шамоллардан ҳоли жойларида, сувли ва кўкаламзор ҳудудларда қурилган. Асаби бузуқ ва телбаларга мўлжалланган касалхоналар эса шаҳарлардан ташқарида, улар учун танланган махсус мавзеларда, катта йўл бўйларида яқин жойлашган.

5. Шифоналарнинг муҳандислик ва конструктив ечимлари шуни кўрсатадики, уларга зарур бўлган тоза сув ариқлардан оқиб келиб, тинитилгач махсус қурилмалар орқали ўтиб, шифонанинг фаввараси, ҳовузи ёки сардобасига оқиб тушган.

III–БОБ. САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ИЛК ШИФОХОНАСИ– “БЕМОРИСТОН”НИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ


3.1.Биоларни лойиҳалашдаги тарихий меъморий қоидалар

Тарихий шифохоналар ҳақида гапирар эканмиз, бу даврда бунёд этилган меъморий мажмуалар ва биоларнинг қурилиши мукамал назарий асосларга эга эканлигини алоҳида такидламоқчимиз. Меъморчилик соҳасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, Ўрта Осиё меъморчилиги қадимги миср ва юнон меъморлари, шунингдек ислом шарқи халқлари меъморчилиги қатори ўзининг синалган урф-одатлари тартиб ва қонуниятларга эга бўлиб, улардан айримлари халқ орасида ханузгача сақланиб қолган.

Био тарhini ишлашда миқёсий ўлчов-модулдан фойдаланиш ва симметрия қонунига асосланиш, био шакллари томонларини квадрат ва олтин кесим нисбатларида чиқариш, уларда мутаносиб уйғунликларни қўллаш, меъморий безакларда гирих ва ислимий, мураккаб нақшлардан фойдаланиш, уларни узоқдан ва яқиндан кўринадиган нақшларга бўлиб ишлаш қоидаларига амал қилиш энг оддий тартиблар қаторига кирган.


Биргина био тархининг миқёсий ўлчов тизими-модул тўридан фойдаланиб меъморий ишланиш тартибини олиб кўрайлик. Бу услубда био тархи қоғозда чорсу (квадрат) катаклар устига чизишиб, турли ўлчамлар: девор қалинлиги эшик ва дераза ўрни, ровоқ ёки пештоқ кенглиги кабилар шу катак томонларига тенг ва такрорланувчи (каррали) нибатларда олинган -- (10-расм).

Квадрат катакча томонлари ўша давр узунлик ўлчамига (газ, тирсак, қарич, қадам) кабиларга мос бўлган. Натижада ушбу катакчалар ёрдамида меъмор тархда био қисмларининг мутаносиблигига эришган ҳамда қурилишга сарф бўладиган қурилиш материаллари ҳажмини олдиндан ҳисоблаб билган





10-расм. *Бино тарhini ишлашда модул торидан фойдаланиш услуби Бухоролик меъмор чизмаси (хонақоҳ). XVI аср.*

Квадрат катакча томонлари ўша давр узунлик ўлчамига (газ, тирсак, қарич, қадам) кабиларга мос бўлган. Натижада ушбу катакчалар ёрдамида меъмор тархда бино қисмларининг мутаносиблигига эришган ҳамда қурилишга сарф бўладиган қурилиш материаллари ҳажмини олдиндан ҳисоблаб билган. Ҳудди шу йўсинда бинонинг ҳажмий тузилишини ҳам нисбатлаб топилган. Лекин бунда меъмордан миқёсдан ташқари шакллар уйғунлигини аниқлаш қонуниятларини ҳам билиш талаб этилганки, бунда у қатор ҳандасавий ясаш усулларидан фойдаланган. Масалан, Сомонийлар даврида (IV-X) Мовароуннаҳр меъморчилиги нисбатан яхши ривожланиб, амалий ҳандаса



11-расм. *Бухородаги Сомоний мақбарисининг меъморий лойиҳаланиш услублари. Тархи ва тарзи.*

муҳандислик санъати кенг қўлланила бошлайди. Бунга мисол, Бухородаги Сомонийлар мақбарасидир. Мақбаранинг тарҳи, шакли-шамоили ва оддий ғиштан ишланган нафис безакларигача муҳандислик қоидалари асосида яратилган (12-расм).



12-расм. Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбара хонақосини меъморий лойиҳаланиш услублари.

Қорахонийлар даврида бунёд этилган мадраса ва хоноқолар ва бошқа иншоотларда эса қадимда меърос бўлиб келган меъморий ва муҳандислик тартиботларни қўллаш янада кенг ривож топди. Чунки, аксарият Қорахонийлар кейинчалик Темурийлар яратувчанлик, меъморчилик, эл-юрт маъмурчилиги ва ободончилигини дилдан ёқтирар ва севар эди. Ўзларининг ҳам меъморчиликдан билимлари кенг бўлиб, меъморий лойиҳалар туздирар, зарур ҳолларда эса уларни текшириб, тузатишлар киритар, қурилиш ишларининг боришини кузатиб турар эдилар.






Масалан, Амир Темур Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбара хонақосини бино эттирганда дастлаб унинг меъморий чизмасини тайёрлаб, бинонинг асосий режавий-ҳажмий параметрларини ўзи кўрсатиб берадики, токи қурувчилар Темурнинг пири Аҳмад Яссавийга бўлган ҳурмат эътиборини паст қилиб кўрсатмасин.

Темурнинг Шахрисабздаги Оксаройи ёки Самарқанддаги Жоме масжиди меъморий мажмуаларни бунёд эттириш бобида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Умуман Темур ва Темурийлар меъмор муҳандислар билан иттифоқ тарзда ўз иншоотларини бино эттирганлар.

Мирзо Улуғбек бошлиқ академиянинг етук илмий ходими Ғиёсиддин Кошийнинг эса нафақат мунажжим ва риёзиётчи олим, балки ўрта аср меъморчилигининг хандасавий қонуниятларини ҳам мукаммал ўрганган иқтидорли муҳандис эканлигини тан олмоқ зарур. Худди шу фикрни Улуғбекнинг ўзи ҳақида ҳам иккиланмай айтиш мумкунки, ўша даврда Самарқанд расадхонасида йирик, тузулиши мукаммал ва мураккаб иншоотлар қуришга жазм қилмоқ учун нафақат илми ҳайъат ва риёзиёт, балки муҳандислик билимларини чуқур билмоқ эди. Айтиш керакки, Улуғбек расадхонаси ўзининг мазмун моҳияти қурилиши ва ҳажми жиҳатидан ўша даврда жаҳонда тенгсиз эди.

Кошийнинг “Ҳисоб калити”, “Доира ҳақида рисола” асарларининг маҳсисбоби меъморчилик хандасасига баҳишланган бўлиб, унда тоқ, равоқ ва гумбазлар шаклини чиқаришга доир беш хил услубнинг баёни ва чизмалари келтирилган(-расм).

Демак, ушбу услублар Ўрта Осиё меъморларига Кошийгача анча олдин маълум бўлиб, меъморчиликда кенг қўлланилиб келинган. Коший баён этган усуллар бажарилишига кўра жуда содда бўлиб, улардан лойиҳа ишларида фойдаланишга қулай, қурилишда эса бу усуллар паргор (циркул), ўрнига оддий газ чўп ва режа ипи ёрдамида бажарилган.



13-расм. Равоқ қуришининг Ғиёсиддин Коший кўрсатган услуби: а-Коший чизмаси (уч марказдан чизилган равоқ); б-Коший услубида чизилган икки, уч ва тўрт марказли равоқлар.

3.2.Тарихий шифохоналарнинг интерьерлари

Биз юқорида ўтмишдаги шифохоналарни асосан ташқаридан берк хажмий ечимда, ички ҳовлили композицияда, ҳовли атрофида ташкил этилган айвон ва (хоналар) кўринишда бунёд этилганлигини айтиб ўтдик. Мовароунаҳрда ўтмишда қурилган фуқаро шифохоналари бизгача етиб келмаган бўлсада, тарихий манбалар уларнинг хоналари ва интерьерлари ҳақида айрим мулоҳазалар қилишга имкон беради.

Бухорода 1682 йилда қурилган “Дор-уш-шифо” касалхонаси Регистон майдонини кенгайтирилиш муносати билан XX асрни 30-йилларида бузиб юборилган [19]. Шифохона тархида мадраса биносида ўхшаган. Унда хоналар кичикроқ ҳовли атрофи бўйлаб жойлаштирилган. Хоналарда

ҳовлидан кирилган. Ҳовлига эса шифохона дарвозасидан кирилган. Ҳар бир хона ҳовли томонидан ўз айвонига эга бўлган. Шифохона бурчакларида даҳлиз вазифасини бажарувчи тарҳда бурчаклари қирқилган хоналардан ёнидаги икки ёки учта хоналарга ўтилган (14 - расм).



14-расм. Бухоро шифохонасининг беморларни даволаш хоналарига кириш даҳлизи интеръери. Д.А.Нозилов бўйича.



15-расм. Бухоро. Дор уш шифо шифохонаси ҳовлисидаги сардобанинг ички кўриниши (Д.А.Нозилов бўйича.)

Шифохона тархи унинг вазифасига жавоб берган ва мос келган. Бурчаклардаги хоналарга табобат ишлари олиб борилган бўлса, ўртадаги хоналарда беморлар турган. Шифохонада масжид, дорихоналар ва бошқа хоналар назарда тутилган.

Мазкур шифохона ҳовлисида сардоба бўлиб, у шифохонани тоза ичимлик суви билан таъминланган. Сардобанинг шифохона ҳовлисида бўлиши, биринчидан уни сув билан таъминлаш ўлса, иккинчидан куннинг жазирама иссиқ пайтида беморларнинг сардоба ҳовузи қирҳоқидаги супаларда ўтириб дам олишларга мўлжалланган. XI аср сайёҳи Носир Хисрав: “Арражон шахрининг ўзгачалиги шундаки, у ерда ер устида канча турар жой бўлса, ер остида ҳам шунча уй бор. Ер ости уйлардан сув оқиб ўтади, аҳоли ёз ойларида ана шу уйларда дам олишар экан”, деб ёзади [19]. Ёз ойларида сардоба ичида дам олиш ҳоллари Ўрта Осиё шаҳарларида ҳам бўлган, жумладан улар нафақат қарвон йўлларида балки, айрим жамоат бинолари масалан, шифохоналар ҳовлисида ҳам қурилган. Бунга юқорида айтганимиздек Бухоро касалхонгасининг сардобаси мисол бўла олади.

Сардобаларнинг ичи ўзига хос кўринишга эга бўлган. Уларнинг марказидаги ҳовузча атрофи пиллапоя шаклида икки-уч қават супалар билан айлантирилган. Гумбаз туйнигидан тушган ёруғлик сардоба ичидаги ним қоронғу муҳитга бадийлик бағишлаган (15 -расм).

Шифохона хоналари интерьерида халқ турар жой меъморчилиги интерьерларига хос айрим элементлар назарда тутилган. Яъни беморлар дам оладиган хоналарда токчалар, тахмонлар, мўри, ёритгич панжаралар назарда тутилган. Дорихона ва даволаш хоналари деворларидаги токчалар дориларни сақлашга жуда қўл келган. Хоналар безаклардан холи бўлмаган, чунки беморларга ранг ва безакларнинг ижобий таъсири борлиги ҳақида классик адабиётларда алоҳида айтиб ўтилган [19].

3.3.Меъморий безаклар

Айрим шифохона ҳовлилари зийнатли нақшлар билан безатилиб, ободонлаштирилган, ишкомлар, манзарали дарахтлар, буталар, гулзорлар, фавворалар билан безатилган. Шифохоналардаги ички ҳовлиларнинг, умуман улар жойлашган майдонларнинг ободончилиги ҳақида ҳозирча аниқ маълумотларга эга бўлсамак—да, юқорида баён қилинган фикримизни баъзи ёзма манбалар қисман бўлса—да тасдиқлайди. Масалан, Суриянинг Ҳалаб шаҳрида XV асрда қурилган шифохона ҳовлилари безакларга ғоят бой бўлиб, сталактитлар, тўпбарггулли ганчкор нақшлар, мармар ва фаянсдан ишланган садаф безаклар билан ҳашамланган бўлган.

Шифохоналар тарҳда кўпчилик ҳолларда тўғри тўртбурчакли шаклда бўлиб, бўйлама ўқли, ички ҳовлили, бино архитектураси симметрик муносабатда, композиция яхлитлиги, шакллар элементининг такрорланиш мароми-ритм, асосий шакл (ҳажм)нинг устиворлиги, шифохона биносининг курсиси астонаси ва тугал қисмларининг ечимига этибор бериш, шунингдек бинони безаш тамойиллари ҳам иморатнинг меъморий гўзаллиги ва шакллар гармониясини таъминлаш воситалари таркибига кирган.

Меъморий безаклар шифохоналар шаклларига мос тарзда ишланган: композицияда меъморий шакллар уйғунлиги бирламчи, безаклар эса иккиламчи ролини ўйнаган. Безаклар композицияси асосий ва ёрдамчи (тўлдирувчи) нақшлардан тузилган. Асосий нақшлар узокдан, ёрдамчилари эса фон вазифасини бажариб яқиндан кўришга мўлжалланган. Нақшлар уйғунлиги раппорт-таксим, ритм, миқёсий тўр, симметрияга асосланган. Безаклар гирих, ислимий, ёзувий, ўйма турларга бўлинган. Барча нақшлар мўдулли миқёсий ва хандасавий яшаш услубларига ва ўзига хос ранглар жилосига эга бўлган.


Ўтмишда меъморлар қўллаган, неча мингйиллар давомида уларга ишончли дастури амал бўлиб хизмат қилган гўзаллик қонунлари бугунни нафақат ўтмиш, балки келажак билан ҳам боғловчи назарий кўприк бўлиб

хизмат қилади. Ана шу кўприкни сақлаб қолиш ва ундан меъморий лойиҳалаш услуби тарзида фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.



16-расм. Ўрта асрларда қўрилган мусулмон шифохоналари тарзларининг архитектуравий ечимларига мисоллар: А- Испаниянинг Гренада шаҳрида қўрилган шифохона тарзининг меъморий безаклари; Б- Туркиянинг Эдирн шаҳрида қўрилган шифохона кириш қисмининг архитектуравий ечими; В-Қоҳирадаги Султон Қолоун шифохонасининг умумий кўриниши





17-расм. Ўрта асрларда қурилган мусулмон шифохоналари тарзлари ва меъморий элементларининг архитектуравий ечимларига мисоллар

3.4.Самарқанд шаҳрининг илк шифохонасини график қайта тиклаш

Бемористон қурилган жой Самарқанднинг Регистон майдонига яқин бўлиб, тахминан у ҳозирги Сўзангарон, қадимги Ривдод кўчасига яқин жойда жойлашган. Бино архитектураси тархда тўғри тўртбурчакли, бино бўйлама ўқи бўйлаб қисман чўзилган, ташқаридан берк ҳажмий-фазовий кўринишга, ичкари ҳовлили, бир дарвозали ва бир дарчали, бош тарзи бўйича пештоқли аксли симметрик композицияга эга бўлган. Бино пишиқ ғиштдан қурилиб, бир қаватли, пештоқли, тархи симметрик меъморий ечимга эга бўлган.

Бемористон таркибида “нимак бемористон”, яъни шифохонага катнаб даволанувчилар учун махсус бўлим (дармонгоҳ) ҳам бўлган. Шифохонанинг хоналари таркибига беморлар ётадиган хужралардан ташқари дарвозахона, табибларнинг касалларни қабул қилиш хонаси, табиблар йиғилишиб маслаҳатлашадиган ва намоз ўқийдиган хона - “жамоат хона”, китобхона, ошхона, омборхона ва бошқа ёрдамчи хоналар кирган. Бемористон нафақат ёзда, балки куз ва қиш фаслларида ҳам фаолият кўрсатган.

Мазкур шифохонанинг тарихий аҳамияти шунда эдики, агар у ҳозирда мавжуд бўлганда Самарқанд шаҳри сайёҳларига кўрсатилар, унинг ўтмишда ушбу шаҳарда мавжуд бўлган бошқа тарихий обидалар: мадрасалар, масжидлар, мақбаралар, бозорлар, карвон–саройлар билан бирга шаҳар аҳолисининг энг кам таъминланган қуйи қисмининг соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва саломатлигини ошириш, ҳамда тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун қурилганлиги ва бу билан ўша давр Самарқанд шаҳри жамияти ва маданиятининг қай даражада юқори бўлганлиги сайёҳларга тушунтирилар эди. Ватанини севган ҳар бир инсон учун бу фахрдир. Биз ушбу тадқиқотимизда Тимғочхон бемористонининг нафақат қурилиш тарихини, балки унинг архитектурасини ҳам график қайта тиклашга муяссар бўлдик.

Ўрта асрлар ислом мамлакатлари шифохоналари, асосан, 1 қаватли, айрим ҳолларда 2 қаватли қилиб қурилган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам улар ички ҳовлили (бир, икки ёки кўп ҳовлили)тарзда шакллантирилган. 1 қаватли шифохоналар 2 қаватли шифохоналарга нисбатан қуришга қулай, арзон ҳамда касалларнинг ҳаракатланиш, иккинчи қаватга кўтарилиш ва тушишдаги қийинчиликсиз, бинодан фойдаланишдаги қулайликлар эътиборга олиб қурилган. Шундай бўлсада, айрим йирик, пойтахт шаҳарларда шифохоналарни 2 қаватли қилиб қуриш мақсадга мувофиқ, деб топилган. Гап шундаки, шифохоналар асосан шаҳристонлар ҳудудида, айрим

ҳолатларда рабодлар ҳудудида жойлаштирилган. 1 қаватли шиғохоналарнинг сиғими кам, иморати эса кўп майдонини талаб қилса, 2 қаватлилари тигиз қурилган шаҳристонлар ҳудудидан кўп жой талаб қилмаган ва сиғимли бўлган. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда шиғохоналарни 2 қаватли қилиб қуриш маъқул бўлган.

Самарқанддаги Иброҳим Тимғочхон бемористони эса бир қаватли тарзда қурилган. Унинг 1 қаватли қилиб қурилишида бемористоннинг мазлум халқ-раият учун мўлжалланганлиги, қурилишнинг кам харажатлилиги ҳамда бинодан фойдаланишдаги юқорида айтиб ўтилган қулайлик эътиборга олинган бўлса ажаб эмас. Яна бир нарсани назарга тутиш зарурки, Тимғочхон мазкур бемористонни қуриш билан бир вақтда Самарқандда мадраса биносини ҳам қуришга фармон берган. У мадраса ҳам 1 қаватли ички ҳовлили бўлган.

Ҳар иккала бинонинг иш фаолияти, уларда ишлайдиган ходимлар, мутахассислар ва ўқийдиган талабалар, ва умуман бемористон ва мадрасадан кўзланган мақсадга мувофиқ самарали тарзда фойдаланиш учун ушбу бинолар эҳтиёжига Тимғочхон ўзига қарашли кўчмас мулклардан (бозорлар, дўконлар, расталар, ҳаммомлар ва бошқалардан) тушадиган дароматлар ҳисобидан вақф белгилаган. Вақф ҳужжати ҳар бир бино учун алоҳида тузиб чиқилган. Ушбу ҳужжатларда биноларга сарф бўладиган барча харажатлар, ишчиларга бериладиган маошлар, ҳатто биноларни вақти-вақти билан ремонт қилиш, тузатиб туриш харажатлари ҳам ҳисобга олинган.

Айнан анашу 2 та тарихий вақф ҳужжати Ўрта Осиёни Чор Россияси босиб олган пайтда, Самарқандга инглиз корчалонларининг ҳам қизиқиши туфайли, ушбу ҳужжатлар Самарқандга Ҳиндистон орқали келган инглизлар кўлига ўтиб қолган. Ва бу ноёб ҳужжатларни улар Англияга олиб кетганлар. Бу ҳужжатлар кейинчалик Англиядаги Оксфорд университетининг “Шарк кўлёмалари фонди”га топширилган ва улар ҳозирда ўша ерда бус-бутун сақланмоқда. Ўтган асрнинг 60-йилларида француз шарқшунос олими М. Кхард ўз тадқиқотлари муносабати билан Оксфорд университетининг ўша

қўлёзмалар фонди материаллари билан танишиш чоғида Самарқанд хукмдори Тимғочхон томонидан тузилган ўша 2 та вақф ҳужжатларига дуч келади ва бу ҳужжатлар мазмуни уни жуда қизиқтириб қолади. Чунки уларнинг бирида Самарқандда XI асрнинг бошларида Тимғочхон томонидан мазлум халқ учун жамоат шифохонаси бунёд этилганлиги ва бу шифохонанинг қаерда жойлашганлиги, унинг тўлиқ штати, ундаги табиблар, ходимлар ва ишчиларга тўланадиган маош, касалларга бериладиган дори-дармонлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат ва бошқа барча харажатлар ҳисоби ва уларнинг қандай даромадлар ҳисобига қопланиши аниқ ёзиб кўрсатилган бўлади.

М. Кхард ушбу ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, улар ҳақида алоҳида мақола ёзиб, уни 1967 йилда чоп эттирган. Ушбу мақолани кейинчалик 1975 йилда рус шарқшунос тарихчи олими О.Г. Большаков ўрганиб, “Иброҳим Тимғочхоннинг Самарқанддаги икки вақфи” номли мақола ёзган. Шундан сўнг ушбу мақолани менинг устозим А.С. Уралов ва бошқа олимлар ўрганиб чиқиб, Ўрта Осиёдаги илк жамоат шифохонаси Самарқандда XI аср бошида шаҳар хукмдори Иброҳим Тимғочхон Қорахоний томонидан қурилган эканлигини кенг матбуотда жорий қилишган.

Мазкур шифохона фикримизча, 1221 йилдаги муғул қўшинининг Самарқандни босиб олгунига қадар халқ оммасига тиббий хизмат кўрсатиб келган бўлиши мумкин. Ушбу шифохонанинг архитектураси қандай бўлган деган саволга жавоб бериш ва уни кенг жамоатчиликка маълум қилиш, унинг ўтмишда Ўрта Осиё архитектурасидаги тутган роли ва ўрнини очиб бериш долзарб масаладир.

Тимғочхон Иброҳим бемористонининг график қайта тикланганлиги бизгача сақланмаган ушбу обиданинг меъморий образи, шакли—шамойили, архитектураси ҳақида тушунча беради, унинг меъморий моделини ёки макетини ишлашга имкон яратади. Ана шу график визуал материаллар шаҳримизга келган сайёҳларга кўрсатилса, улар ҳақида мукаммал тушунчалар берилса нур устига аъло нур бўлар эди. Самарқанд шаҳрининг туристик мавқеи ва нуфуси янада ошар эди.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур диссертацияда ўтказилган изланишлар ва Иброҳим Тимғочхон “Бемористони”ни ўрганиш ва уни график қайта тиклаш бўйича бажарилган тадқиқотлар қуйидаги якуний хулосаларни ишлаб чиқиш имкониятини берди:

1. Ўтмишда қурилиб бизгача етиб келмаган, бироқ ёзма адабиётлар, тарихий фотосуратлар ва турли манбалардаги маълумотларга кирган меъморий обидаларни ўрганиш ва шу йўл билан Ўзбекистон меъморчилиги тарихини янги ва бой илмий материаллар билан тўлдириш, уларнинг янги қирраларини очиб бериш замонавий архитектурашунослик фанининг долзарб вазифаларидан биридир.

2. Ҳозирги кунда республикамиз архитектурашунослик тарихи фанига асосан ўтмишдан бизгача сақланиб келган меъморий обидалар маълум. Улар қаторига асосан сарой ва арklar, масжид ва мадрасалар, карвон–саройлар, ҳаммомлар, савдо иншоотлари, мақбаралар ва хонақоҳлар, миноралар, сардобалар ва кўприklar киради. Бироқ, Ўрта Осиё меъморчилигининг тарихий “бемористон”лари, “дор уш–шифо”лари, “гармоба”лари,



“обзан”лари, “яхтанги”лари ҳақида кам сонли зиёли кишилар ва шу соҳанинг мутахассисларигина билишади, холос. Мазкур диссертацияда бизгача етиб келмаган, айнан ана шундай, ноёб меъморий обидалардан бири – Самарқандда XI аср бошида қурилган “Тимғачхон бемористони” тадқиқот

остиға олиниб, у тарихий ёзма манбалар ва ислом шарқи мамлакатларида қурилиб, бизгача сақланиб қолган бошқа тарихий бемористонлар ва шифохоналар асосида ўрганилди. Тадқиқотимиз мавзусининг янгилиги ҳам айнан ана шундадир. Кутилаётган мақсад эса Самарқанд шаҳрида қурилиб, бизгача етиб келмаган ушбу ноёб обидани илмий муомалага киритиш, унинг архитектурасини график қайта тиклаш ва шу йўл билан Ўзбекистон, хусусан Самарқанд шаҳри меъморчилиги тарихини типологик ҳамда морфологик нуқтаи назаридан бойитиш ва кенг халқ орасида оммалаштиришдир.

3. Мазкур шифохона Самарқандда Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида (1040-1070 йй.), хусусан Қорахоний Тимғочхон Иброҳим томонидан XI асрнинг ўрталарида қурилган. Ўша пайтларда ёзиб қолдирилган адабиётларда шифохоналар “бемористон” деб аталгани учун мазкур объект учун тузилган вақфномада ҳам у бемористон дейилган. Ушбу шифохона ўз даврида нафақат Самарқандда, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудида илк қурилган жамоат шифохонаси ҳисобланган. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у бой ҳукмдорлар синфи учун эмас, балки оддий мазлум халқ учун, айниқса етим-есирлар, қаровсиз қолганлар, камбағаллар ва ногиронлар учун мўлжалланган. Шифохона таъминоти ва фаолияти унга белгиланган кўчмас мулк даромадларининг вақф ҳисобидан амалга оширилган. Шифохона тахминан 200 йил давомида мавжуд бўлиб, Самарқандни 1221 йилда мўғуллар босиб олгач ўз фаолиятини тўхтатган, деб тахмин қилиш мумкин.

4. Бемористон қурилган жой Самарқанднинг Регистон майдонига яқин бўлиб, тахминан у ҳозирги Сўзангарон, қадимги Ривдод кўчасига яқин жойда жойлашган. Бино архитектураси тархда тўғри тўртбурчакли, бино бўйлама ўқи бўйлаб қисман чўзилган, ташқаридан берк ҳажмий-фазовий кўринишга, ичкари ҳовлили, бир дарвозали ва бир дарчали, бош тарзи бўйича пештоқли аксли симметрик композицияга эга бўлган. Бино пишиқ ғиштдан қурилиб, бир қаватли, пештоқли, тархи симметрик меъморий ечимга эга бўлган.

5. Бемористон таркибида “нимак бемористон”, яъни шифохонага катнаб даволанувчилар учун махсус бўлим (дармонгоҳ) ҳам бўлган. Шифохонанинг хоналари таркибига беморлар ётадиган хужралардан ташқари дарвозахона, табибларнинг касалларни қабул қилиш хонаси, табиблар йиғилишиб маслаҳатлашадиган ва намоз ўқийдиган хона - “жамоат хона”, китобхона, ошхона, омборхона ва бошқа ёрдамчи хоналар кирган. Бемористон нафақат ёзда, балки куз ва қиш фаслларида ҳам фаолият кўрсатган.

6. Мазкур шифохонанинг тарихий аҳамияти шунда эдики, агар у ҳозирда мавжуд бўлганда Самарқанд шаҳри сайёҳларига кўрсатилар, унинг ўтмишда ушбу шаҳарда мавжуд бўлган бошқа тарихий обидалар: мадрасалар, масжидлар, мақбаралар, бозорлар, карвон–саройлар билан бирга шаҳар аҳолисининг энг кам таъминланган қуйи қисмининг соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва саломатлигини ошириш, ҳамда тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун қурилганлиги ва бу билан ўша давр Самарқанд шаҳри жамияти ва маданиятининг қай даражада юқори бўлганлиги сайёҳларга тушунтирилар эди. Ватанини севган ҳар бир инсон учун бу фахрдир. Биз ушбу тадқиқотимизда Тимғочхон бемористонининг нафақат қурилиш тарихини, балки унинг архитектурасини ҳам график қайта тиклашга муяссар бўлдик.

7. Тимғочхон Иброҳим бемористонининг график қайта тикланганлиги бизгача сақланмаган ушбу обиданинг меъморий образи, шакли–шамойили, архитектураси ҳақида тушунча беради, унинг меъморий моделини ёки макетини ишлашга имкон яратади. Ана шу график визуал материаллар шаҳримизга келган сайёҳларга кўрсатилса, улар ҳақида мукамал тушунчалар берилса нур устига аъло нур бўлар эди. Самарқанд шаҳрининг туристик мавқеи ва нуфуси янада ошар эди.

8. Юқоридаги айтилганлар ва бажарилган илмий-тадқиқотларимиз асосида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

-Тимғочхон бемористони мисолида Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтмишда ана шундай тиббий масканларнинг бўлганлиги ва фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги тадқиқотларни олиб бориш;

-агар шу каби халқ шифохоналари бошқа тарихий шаҳарларда бўлганлиги аниқланса, уларни ҳам ўрганиб архитектурасини график қайта тиклаш имкониятини излаш;

-Тимғочхон Иброҳим бемористонига тааллуқли барча ёзма манбалар ва график материалларни оммалаштириш мақсадида уларни қуёш нурини тўсувчи шаффоф ойна остига олган ҳолда Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонига жойлаштириш, сайёҳларга намойиш этиш ва бу ҳақдаги ноёб тарихий маълумотларни бериш орқали Самарқанд шаҳри нуфузини янада ошириш ва сайёҳлар таркибини кенгайтириш. Тадқиқотнинг **назарий аҳамияти** шундаки, у Ўзбекистон архитектурашунослик фанини диссертация мавзусида кўтарилган ва ундаги муаммолар ечимига бағишланган илмий асар ёки ишланма сифатида тўлдиради ва бойитади, бу соҳада келгусида бажариладиган янада чуқурроқ ва кенгроқ илмий ишларни бажаришга, архитектура тарихи ва назарияси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича илмий монографиялар ёзишга асос бўлиб хизмат қилади. Архитектура соҳасидаги бакалавриат ва “Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги магистратура ўқув режаларига кирган мутахассислик фанларидан ўқув адабиётларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш бўйича зарур илмий материаллар тарзида хизмат қилади. Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** эса тарихий шаҳарларимиз марказларининг меъморий–шаҳарсозлик қиёфаси ва меъморий масштаб–қўламларини шакллантириш ва қайта тиклаш бўйича бажариладиган меъморий шаҳарсозлик лойиҳаларини, хусусан Ўрта Осиё халқларининг ўтмишдаги соғломлаштириш–тиббий маданиятини кўрсатувчи моддий меъморий мерос объектларини тиклаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.** Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент, 2010.
2. **Адам Мец.** Мусульманский Ренессанс.—Москва: Наука, 1973.
3. **Алишер Навоий.** Вақфия.—асарлар. 15 томлик, 13—т., Тошкент, 1996.
4. **Аҳмад Муҳаммд, Мубашшир Аҳмад.** Ислом ҳазораси.—Тошкент: “Мовароуннахр” нашриёти, 2004.
5. **Беруний.** Избранные произведения. Т. Памятники минувших поколений. —Ташкент, 1982.
6. **Ибн Хордадбех.** Книга путей истран / пер. с арабского. коммен., исс., указ. и карты Наили Валихановой/. Баку, 1986.
7. **Мунши Муҳаммед Юсуф.** Муқимханская история.—Ташкент, 1956.
8. **Муҳаммед—Садык—и—Кашкари.** Кодекс приличий на Востоке /Адаб—уль—салихин/. Пер. Н.С. Лыкошина.—Ташкент, 1894.
9. **Рашид—ад—дин.** Сборник летописей. т.3. /Пер. с персидского А.К. Андерса/.—М.—Л., 1946.
10. **Рашид—ад—дин.** переписка/Пер., введение и комен. А.И. Фалиной/.—М., 1971.
11. **Ахмедов Б.** Хондамир.—Тошкент, 1965.
12. **Беленицкий А.М.** Историческая типография Герета XV в.—В. Кн.: “Алшер Навои”.—М.—Л., 1946.
13. **Большаков О.Г.** Два вакфа Ибрагима Тамгачхана в Самарканде. В кн.: Страны и народы Востока. Вып. X.М.: Наука, 1971.
14. **Воронина В.Л.** Средневековый город арабских стран.—М., 1991.
15. **Кадыров А.А.** Первая гражданская больница в древнем Самарканде.—Мед. журн. Узбекистана, 1984.
16. **Қодиров А.А.** Тиббиёт тарихи.—Тошкент, 1993.
17. **Маньковская Л.Ю.** Типологические основы зодчества Средней Азии/ IX—начало XX в./.—Ташкент, 1980.

18. **Махмуд Ассад Жўон.** “Ислом, тасаввуф ва ахлоқ”.–Тошкент: “Истиқлол” нашриёти, 2000.
19. **Нозилов Д.А.** Ўрта Осиё меъморчилигида интерьер. -Тошкент, 2007.
20. **Нуралиев Ю.** Медицина эпохи Авиценны. Кн.І.–Душанбе, 1981.
21. **Тўхтаев И.** “Минг уйлар”нинг архитектураси ва санъати. – Тошкент, 1984.
22. **Салмон Олтой.** Ислом дини ва кашфиётлар.–Истанбул, 1993.
23. **Уралов А.С., Кадыров А.А.** Строительство больничных учреждений в странах средневеково Востока. Медицинский журнал Узбекистана, 1989, №11.
24. **Уралов А.С.** Больничные учреждения средневековой Средней Азии.–Маскан, 1992, №1.
25. **Уралов А.С.** Из истории медицинских учреждений Средней Азии эпохи тимуридов.–ОНУ. Ташкент, 1999, №1–2.
26. **Уралов А.С.** Здравоохранение эпохи Ибн Сины и его отражение в зодчестве.–ОНУ. Ташкент, 2000, №1.
27. **Geliabo J.** Moristan of Hospital, a Grenade.–Architecture V–XVII siecle, t. 3. Paris, 1958.
28. **Getter Dieter.** Zur Architecture islamischer Krankenhauser.–SYDHOFFS AKCHIV. Fiir Geschichte der Medizin und der naturivissrnschaften. Ban. 45 (1961).
29. **Sami Hamarneh.** Development of Hospitals in Islam.–Jouenal of the к
30. History of Medicine and Allied Seiences. Vol XVII, 1962, №3.
31. **Тохир Малик.** Фалак.–Тошкент, 1994.

Диссертациянинг тақдимот материаллари ва иловалар